Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 22 май
ЯКШАНБА
№ 115 (4.311).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

✽

Ибодат Қурбонова ва Қанохон Исмоилова — Тошлоқ районидаги «Ленинград» колхозининг илғор пиллакорлари. Улар ҳар йили ипак қурти боқиб, давлатга мўл ва сифатли хом ашё етказиб беришмоқда. Айни пайтда хўжаликда пилла терими қизғин. И. Қурбонова пландаги 34 килограмм ўрнига 60 килограмм, Қ. Исмоилова эса 42 килограмм ўрнига 80 килограмм кумуш тола топширмоқчи.

СУРАТЛАРДА: моҳир пиллакорлар И. Қурбонова ва Қ. Исмоилова.

А. ҚОСИМОВ фотолари.

✽

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Мутахассислар «Социализм» совхози далаларида етиштирилган беда пичани сифатига юксак баҳо бердилар. Ўрим-йиғим ва озуқа тайёрлашда илғор технологияни қўлланган деҳқонлар худди ана шу натижани кўзлашган эди.

Энди хўжаликда бедани фақат ёйма мосламали ўроқ машиналари билан ўришмоқда. Бунда беда барглари ва гули зарарланмайди. Ўриб олинган беда яхши шамоллатадиган юмшоқ ғарамларга тахланади. Озуқа икки усулда ғамлаб қўйилмоқда: пичаннинг бир қисми подборщиклар ёрдамида тойланади, қолгани эса ғарамланиб, шамолда қуритилади.

Совхозда биринчи ўримнинг ўзидаёқ гектар бошига 35 центнердан сифатли беда олинди, мавсумда эса ҳаммаси бўлиб 180 центнердан тўйимли озуқа олишни режалаштирганлар.

Сирдарё области.

М. С. ГОРБАЧЕВ И. А. МАГИД БИЛАН УЧРАШДИ

М. С. Горбачев расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Миср Бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Исмат Абдил Магид билан 20 май куни Кремлда учрашди.

И. А. Магид М. С. Горбачевга Миср президенти Ҳ. Муборакнинг шахсий мактубини топширди.

М. С. Горбачев бу мактубнинг руҳи ва мазмунини маъқуллади. И. А. Магиднинг визити Совет Иттифоқида Совет—Миср муносабатларини ривожлантиришдаги яхши нишона, деб ҳисобланмоқда, бу муносабатлар жўшқинлиги билан, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ўсиб бораётган даражаси билан ажралиб турибди.

Миср раҳбарияти, деди И. А. Магид, ташқи ишлар министрининг СССРга визитини тарихий воқеа, деб ҳисобламоқда. Москва билан Қоҳиранинг, Совет Иттифоқи билан Мисрнинг ҳозирги учрашуви иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда муносиб ўрин олади.

Жаҳон сиёсатининг энг катта муаммолари ҳамда Совет—Миср муносабатларини янада ривожлантириш масалалари хусусида рўй-ростлик, ўзаро хайрихоҳлик ва ўзаро ҳурмат руҳида мазмундор фикрлашув бўлди.

М. С. Горбачев ҳозирги халқаро муносабатларга ёндашувимиз реалликларга, барча давлатларнинг манфаатларини эътиборга олишга асосланади, деб таъкидлади. Шу ёндашув доирасида совет раҳбарияти халқаро муносабатларни мухолифлик ҳолатидан чиқариб олиш, ҳарбий қарама-қаршиликни камайтириш учун ҳаммаҳ ишни қилмоқда, ядровий ва оддий қуролларни қисқартириш, химиявий қуролни тақиқлаш, хавф-хатарсиз, ишончли барпо этиш мақсадини кўзловчи қадамлар қўйилмоқда. Совет Иттифоқи маҳаллий можароларни сиёсий воситалар билан, барча томонларнинг манфаатлари мувозанати асосида бартараф этишга изчиллик билан интилиб келмоқда. Иқтисодий қолоқликни тугатиш, ноэквивалент мол айирбошлаш, ташқи қарздорлик билан боғлиқ бўлган кескин муаммолар зудлик билан ҳал этилиши лозим.

Совет Иттифоқи ўз ёндашувини ҳеч кимга тиқиштирмайди, ҳал қилувчи сўнгги сўзни айтишни даъво қилмайди. Биз етилган муаммоларни барча давлатларнинг куч-ғайратлари билан мулоқот, кенг миқёсдаги ҳамкорлик йўлида ҳал қилиш тарафдоримиз. Янги халқаро муносабатларни вужудга келтириш — жаҳон ҳамжиҳатлигининг муштарак вазифасидир. Шу сабабли СССР халқаро муносабатларни соғломлаштириш жараёнини илгари силжитадиган, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни кенгайтиришга олиб борадиган ҳар қандай ташаббусларни табриклайди.

И. А. Магид Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг фалсафаси ва мақсадларига Миср ҳам қўшилишини таъкидлади. У ҳозирги замоннинг асосий муаммолари хусусидаги позицияларнинг яқинлиги ёки бир-бирига мувофиқлиги — халқаро майдонда иккала мамлакат ўртасидаги баҳамжиҳат ҳаракатлар учун яхши негиздир, деган маънода гапирди.

М. С. Горбачев билан И. А. Магид ҳозир Яқин Шарқдаги аҳволни ялписига ва одилона бартараф қилиш учун реал шарт-шароит вужудга келмоқда, деган якдил фикрни билдирдилар.

Совет Иттифоқи мана шу энг мураккаб ва эскириб кетган маҳаллий можарони тезроқ бир ёқли қилиш муддаоси билан актив ҳаракат қилаётганини М. С. Горбачев таъкидлаб ўтди. Реалликлар заминида қаттиқ туриш зарур. Фаластин масаласи можарони бартараф этишнинг марказий масаласидир. ФОТнинг иштирокисиз можарони бартараф этиш жараёни илгари силжимайди. Бироқ бошқа томонларнинг — Сурия, Иордания ва Исроилнинг манфаатларини ҳисоббга олиш ҳам муҳимдир. Ҳозирги вазият БМТ паноҳида халқаро конференция ўтказиш имкониятларини очмоқда. Бу имкониятларни бой бермаслик керак. Совет Иттифоқига келганда у тинч жараённинг барча қатнашчилари билан баҳамжиҳат иш тутишга тайёр.

И. А. Магид Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишда Совет ёндашувига қўшилишини айтди. Яқин Шарқ можороси бартараф этишда Совет Иттифоқи жуда муҳим, асосий роль ўйнайди, деб таъкидлади у. Миср Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф қилишнинг барча жиҳатлари юзасидан Совет Иттифоқи билан бундан буён ҳам фикрлашиб боришга тайёр.

Миср халқи мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида СССР берган ёрдамни ҳеч қачон унутмайди, баланд Асвон тўғони Совет ёрдами билан қурилганини эсда тутади, деди И. А. Магид. Миср президенти ва ҳукумати экономика, савдо-сотиқ, илм-фан, техника, маданият соҳаларидаги Совет—Миср алоқаларини кенгайтиришдан манфаатдор эканликлари билдирилди. Миср ҳукумати СССР билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболларига умидворлик билан қарайди.

М. С. Горбачев араб мамлакатлари билан муносабатларни Совет Иттифоқи сиёсатининг муҳим йўналиши, деб алоҳида уқтириб ўтди. Шу муносабатлар катта аҳамиятга эга бўлади. Биз барча араб мамлакатлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга интилмоқдамиз. Совет Иттифоқи Миср билан ҳам муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдоридир. Совет томони турли соҳаларда Миср билан ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги куч-ғайратларни зарур даражада қўллаб-қувватлайверади. Совет Иттифоқи Мисрнинг яхши шериги бўлади, деди М. С. Горбачев.

М. С. Горбачев Миср президенти Х. Муборакка салом ва энг яхши тилаклар топширишни илтимос қилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе қатнашди.

(ТАСС).

ҒАЛЛА ЎРИМИ БОШЛАНДИ

Сурхондарё областининг **жанубий** районларидаги хўжаликларда кузги арпа ўрими бошланди. Бу йил ҳосил мўл бўлди. Чунончи, Ангор районидаги Куйбишев номли, «Октябрь 50 йиллиги» ва «Қизил юлдуз» колхозларининг деҳқонлари ҳар гектар ердан планга нисбатан 6 центнер кўп, яъни 35 центнердан арпа ҳосили етиштиришни мўлжаллашмоқда. Кузги экилардан бўшаган далалар силос учун жўхори экишга тайёрланмоқда. Айрим участкаларга полиз экинларининг кечки навлари экилади.

Июнь ойининг дастлабки кунларида Ўзбекистоннинг қолган ерларида ҳам кузги дон ўрими оммавий равишда бошланади. Республика ғаллакорлари бу мавсумда 700 минг тонна бошоқли дон тайёрлаб беришлари зарур. Ҳосилнинг кўп қисми лалми ерлардан олинади.

Область партия комитетларининг пленумлари

ФАРҒОНА, 21 май. (ЎзТАГ). Фарғона область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида обком бюросининг аъзоси, Фарғона область ижроия комитетининг раиси Х. Мажидовнинг КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь пленуми қарорлари асосида областнинг 2000 йилгача мўлжалланган уй-жой программаси қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Пленумда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатлар сайланди. Улар орасида Фарғонадаги химиявий тола заводининг ишчиси У. Охунжонова, Риштон районидаги 85-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна комплекс бригадасининг бошлиғи, СССР Давлат мукофотининг лауреати М. Ҳайдаров, «Қўқон» совхозининг бригадири Э. Худойбердиев, «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта оператори В. А. Монаенко ва бошқалар бор.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов нутқ сўзлади.

Пленум ишида СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев қатнашди.

* * *

НАВОИЙ, 21 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Навоий область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари КПСС XXVII съезди талаблари асосида социал масалаларни ҳал этиш юзасидан Нурота район партия комитетининг ҳисоботини муҳокама қилдилар.

Пленум Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатлар сайлади. «Навоиазот» бирлашмасининг аппаратчиси Т. Г. Пахомова, СССР 50 йиллиги номидаги Зарафшон кон-металлургия комбинатининг мастери Ф. Я. Сойибов ва бошқа активлар коммунистлар анжуманида Навоий область партия ташкилотининг вакиллари бўладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов пленумда нутқ сўзлади.

* * *

УРГАНЧ. 21 май. (ЎЗТАГ). Хоразм область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида 2000 йилгача бўлган даврда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш соҳасида область партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама этилди.

Пленумда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатлар сайланди. 167-қурилиш трестининг 1-қурилиш бошқармаси бригадири З. М. Шинкоренкога, Янгиариқ районидаги «Биринчи Май» колхозининг сут соғувчиси Ҳ. Жумабоевага, Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригадири Т. Раҳимовга, Хива районидаги Беруний номли колхоз раиси Р. Ражабовга ва бошқа ўртоқларга юксак ишонч билдирилди.

Пленумда Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров нутқ сўзлади.

КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЎРОЗГУЛ

Ўша куни ундан бахтли одам йўқ эди. Ниҳоят етуклик аттестати қўлига тегди. Ўрозгул 5-бригада даласи томон одимлаб бораркан, таниқли пахтакор Мария Ковалёванинг сўзларини эслади:

— Институтга киришингга қарши эмасман, аммо яхши механизатор бўлишингни орзу қиламан, — деганди у.—Тушун, ҳозир хотин-қизларни механизацияни дадил эгаллашга даъват этиш жуда муҳим. Бусиз кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Вақтни зое ўтказма, сени ҳақиқий бахт эшигига эгатлар олиб боради...

Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Яна бир нарса қизни ўйлантириб қўйди: онлада тўнғич фарзанд. Етти укаси ҳали ёш. Уларни ташлаб шаҳарга кетса, ота-онаси «қўлоёқсиз» бўлиб қолишади. Ўрозгул Мария опанинг маслаҳатига амал қилиб, пахтакорлар сафига қўшилди. Кетмон чопди, суғчилик қилди. Кузончли ҳамда ўта машаққатли даларни бошдан кечирди. Сўнг механизаторлар тайёрлаш курсини тугаллаб, устози М. Ковалёва ёнига қайтди. Севимли касбига меҳр-муҳаббатини пайванд этди. Вақт билан ҳисоблашмай ишлади. Қатор ораларига ишлов бериш, ҳосилни йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсатди.

Совхозда уни отаси Саржитой акага тортган дейишади. Бир сўзли, ўзига ўта талабчан, пахта ишқи, унинг муқаддас ташвишлари вужудини қамраган. 1983 йил ёш механизатор учун омадли келди. Устози билан басма-бас ишлаб, мавсумда пўлат этакдан 180 тонна пахта тўкди. Энди кенг далаларда, йиғилишларда У. Букурова тажрибаси, ташаббуслари ҳақида гапиришадиган бўлиб қолишди. Совхоз коммунистлари уни ўз сафларига қабул қилдилар. Кўп ўтмай қолоқ бригадага бошлиқ этиб тайинланди.

Шароит оғир эди. Сурункасига пахта экилавериб, ернинг мадори қуриган. Боз устига 30 нафар ишчининг аксарияти аёл. Янги бригадир кишиларнинг туриш-турмуши, орзу-интилишлари билан яқиндан танишди. Қўлдан келган ёрдамини аямади. Аёллар меҳнатини енгиллаштириш, уларга қулай шароитларни яратиш учун тиним билмади. Вақти келса, раҳбарлар билан талашиб-тортишишдан чўчимади. Ўрозгул бир нарсани яхши биларди: одамларнинг баҳоси йўқ. Меҳнатдан қочмайдиган, нолиш нималигини билмайдиган чинакам фидойилар улар. Гап барчани мақсад сари бирдек сафарбар қилишда қолган.

У айниқса Рихси опа Мирҳолиқовадан миннатдор. Ун икки фарзандни вояга етказган бу аёл моҳир ташкилотчи, омилкор деҳқон. Ҳамиша ишнинг қаловини топади. Бригадир қаттиқ ёғингарчиликлар туфайли мушкул аҳвол юзага келганида ана шундай тажрибакорларга суянди. Ўзи ҳам агрегатни бошқариб, қатор ораларига ишлов берди, ерни, ҳар туп ғўзани эзозлади, сувдан, минерал ва маҳаллий ўғитдан тежаб фойдаланди. Бригада пудратининг моҳиятини заршуносларга чуқур тушунтириб, илғор усулни кенг жорий этди. Лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Биринчи йиллиқ бригада ҳар гектар қумлоқ ердан пландаги 19 центнер ўрнига 21 центнердан хирмон кўтарди. Ишчиларнинг қўли пул кўрди, уларда келажакка ишонч, иштиёқ туғилди.

— Коммунист Ўрозгул Букурованинг бир фазилати мени лол қолдиради, — дейди тажрибали бригада бошлиғи Қувиш Соғиндиқов. — Ҳар бир масалага давлат нуқтаи назаридан ёндашади. Янгиликка интилади, пахтачиликка комплекс механизацияни кенг жорий этиш ҳақида қайғуради. Ҳамкасбларидан меҳнатини, маслаҳатини аямайди. Едимда: йиғим-терим қизиган палла эди. Туш пайтида у шийпонга келди.

— Тинчликми, синглим, ташвишлироқ кўринасан, — кўнгил сўраган бўлдим.

— Емон ишлаяпмиз, ўз бахтимизнинг, имкониятларимизнинг қадрига етмаяпмиз, — жавоб қилди Ўрозгул. Сўнг фикрларини жамлагач, сўзида давом этди. — Ўзингиз ўйланг, қанчадан-қанча техника бўла туриб шаҳарликлар, қўқувчилар ёрдамига кўз тикаяпмиз. Натижада одамлар ишдан чалғияпти, деҳқон насибаси яримта бўлаяпти. Гапдан қачон амалий ишга ўтамиз?

Партия йиғилишида долзарб масала хусусида очиқчасига гап борди. Коммунистлар техникага панжа орасидан қараётган раҳбар ва мутахассисларни аёвсиз танқид қилишди. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тадбирлар белгиланди.

Бу ўзининг дастлабки натижасини берди. Мария Ковалёва, Ноёб Бобоев, Қувиш Соғиндиқов каби тажрибакорлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ишда туб бурилиш ясаб, мўл, арзон, сифатли пахта ҳосили етиштирдилар. Ўрозгул Букурова коллективи эса ялпи ҳосилни машинада териб олди. Четдан ёрдамчи жалб этилмади. Натижада сувчи ва механизаторларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 300—400 сўмни ташкил этди.

Қайта қуриш муваффақияти ҳар бир кишининг кундалик меҳнати, тадбиркорлиги, ташкилотчилигига боғлиқ. Шу боисдан ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетидаги учрашувда: «Биз инсонга, унинг манфаатдорлигига, унинг мустақиллигига, унинг ташаббускорлигига ва гражданлик позициясига умид қиламиз»,— деб алоҳида таъкидлади. «Кремль» совхози меҳнаткашлари буни қалбдан ҳис қилаяпти. Улар яхши ишлаш билан бирга ватанпарварлик ташаббуслари билан майдонга чиқишмоқда. Давронбек Аминов етакчилик қилаётган бригада Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига зиммага оширилган мажбурият олди.

Аммо ҳамма масъулиятни бирдек ҳис этаяпти, деб бўлмайди. Ж. Алимов, С. Абдураҳимов, А. Алимов каби бригадирлар ўз ишларини суст қайта қуришмоқда. Улар қатъий ҳаракат ўрнига турли баҳоналарни рўкач қилишаяпти.

— Механизацияга муносабатни яхшилаш тармоқда техника ролини кучайтириш, малакали кадрлар тайёрлашга боғлиқ, — фикрини ифодалайди Ў. Букурова. — Афсус, иш кўнгилдагидек эмас. Курсларда, ҳунар-техника билим юртларида тайёрланаётган механизаторларнинг кўпи бошқа соҳаларда ишламоқда. Бу кетишда кутилган марра эгалланмайди. Фикримча, олимлар ҳам, механизаторлар ҳам майда-чуйда гап-сўзларга барҳам бериб, ростмана ишга киришишлари керак. Ахир, сансалорлик ҳамманинг жонига тегди.

Совхоз партия комитети жанговар сафлар софлиги учун қизғин курашмоқда. Сўнгги вақтларда механизатор С. Ибодуллаев босар-тусарини билмай қолди. Меҳнат интизомини қўпол равишда бузди. Ўрозгулга ўхшаган талабчан, эътиқодли коммунистлар унга қимматли маслаҳатлар беришди. Йиғилишларда камчиликларни рўй-рост кўрсатиб ўтишди. Бироқ у ўзига тегишли хулоса чиқармади. Оқибатда С. Ибодуллаев КПСС сафидан ўчирилди.

Ўрозгул Букурова бошлиқ бригада далалари. Барқ уриб ўсаётган ғўзалар кўзни қувонтиради. Ўринбой Умрзоқов, Халил Мирҳолиқов, Зарина Усмонова, Мастура Тожибоева сингари сувчи ва механизаторлар мурғак ниҳоллар атрофида парвона. Иноқ коллектив жорий йилда юксак уфқларни кўзлаяпти. Ҳосилдорликни гектар бошига 5 центнер ошириш, давлатга фақат юқори сифатли оқ олтин топшириш — уларнинг эзгу нияти.

Яқинда бригада бошлиғи, моҳир механизатор Ўрозгул Букурова ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. У Тошкент область партия комитетининг пленумида Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегат этиб сайланди.

Орзуларинг ушалаверсин, «Кремль» юлдузи!

М. ҚАЮМОВ,
О. ҒОФУРОВ.

Бўка райони.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси 1988 йил 24 май эрталаб соат 10 да СССР Олий Советининг катта Кремль саройидаги мажлислар залида **Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг** қўшма мажлиси билан очилади.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ РОНАЛЬД У. РЕЙГАННИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Эришилган аҳдлашувга мувофиқ Америка Қўшма Штатларининг президенти Рональд У. Рейган совет раҳбариятининг таклифга биноан 1988 йилнинг 29 майдан 2 июнигача расмий визит билан СССРда бўлади.

Назорат таъсирчан ва оператив бўлсин

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг 20 май куни бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун курашда халқ контролерларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Мажлисда область партия комитетлари қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат саноати бўлимларининг мудирлари, область халқ контроли комитетларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари, область марказлари халқ контроли комитетларининг раислари, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети марказий аппаратининг ходимлари қатнашдилар.

Республика халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров мажлис аҳли ҳузурида нутқ сўзлади.

Республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бирмунча яхшиланганига қарамай, бу ишда ниҳоятда тақчиллик ҳамон сезилаётганлиги қайд этиб ўтилди. Бу гап, айниқса, гўшт, сут ва сут маҳсулотларига, сабзавот ва картошкага таллуқлидир. Бу ишдаги камчиликлар чорва маҳсулдорлигининг пастлиги ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг юқори эмаслиги билан боғликдир. Қайта ишлаш саноатининг моддий-техника базаси етарли эмаслиги, бунинг устига мавжуд базадан ҳам ниҳоятда самарасиз фойдаланилаётганлиги аҳволни баттар мушкуллаштирмоқда. Бу ҳол озиқ-овқат маҳсулотларининг кўплаб нобуд бўлишига олиб келмоқда.

Гарчи кейинги вақтларда республика халқ контроли органлари бу масалаларга кўпроқ эътибор бераётган бўлсаларда, аҳвол жуда секинлик билан яхшиланмоқда. Шу сабабли халқ контроли комитетлари ва группалари вужудга келган аҳволни чуқур ўрганиб чиқиб, ҳар бир хўжаликка, ҳар бир корхонага зарур ёрдам беришлари керак. Етилган масалаларни аниқлаш, шу масалаларни партия, совет ва хўжалик органлари олдига дадил қўйиш, уларнинг ҳал этилишига эришиш — халқ контролёрларининг вазифасидир.

Халқ контроли комитетлари ва группаларининг ишини ижоди борича кучайтириш, уни тобора ҳужумкор қилиш учун барча чораларни кўриш лозим. Ҳар бир халқ контролёри озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ички резерваларидан фойдаланиш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка, талон-торож ва ўғирликларга, мансабни суиистеъмол қилишларга барҳам бериш учун юксак масъулиятни ҳис этиши керак.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ПЕДАГОГЛАР АНЖУМАНИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

Тошкентда ўтган VIII Бутуниттифоқ педагогик ўқишларида мамлакатимиздан мингга яқин ўқитувчи, халқ маорифи ташкилотчиси ва олим қатнашди. Ўқиш «Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида дарс самарадорлигини ошириш» мавзуида ўтди. 20 май куни республика кино уйида педагоглар шу мўътабар анжуманнинг якунларини чиқариш ва ёпиш маросими бўлди.

Анжуман қатнашчилари тўрт кун мобайнида турли фанларни ўқитиш борасидаги тажрибаларини ўртоқлашдилар, мамлакат ўқитувчиларининг КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль пленуми қарорларини амалга ошириш борасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Меҳмонлар Тошкент шаҳри ва областидаги бир қанча мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларида бўлдилар, республиканинг педагогика вазифаларини ҳал этишда қатнашаётган илмий ташкилотлари иши билан танишдилар.

Педагогик ўқишларнинг якунларини чиқариш ва уни тантанали ёпиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қатнашди.

(ЎзТАГ).

Иқтисодий ислоҳот: қўлга қоғоз-қалам олиб

ВАЗИЯТ ТАНГ, МАДАДГА МУҲТОЖМИЗ

Нурота тоғ тизмалари бир қисмининг жанубий ёнбағирларида жойлашган совхозимиз яйловлари Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилидаги суғориладиган зонагача эниб келади. 79 минг гектар майдоннинг 48 минг гектари яйловлардан иборат.

Яйлов деганда газетхон кўз олдига турли ўт-ўланга бой, чорва моллари йил-ўн икки ой ҳайдаб-яйратиб боқиладиган ўтлоқлар келади, албатта. Бу — тасаввурда шундай, аслида эса...

Республикамизнинг дашт, чўл, ярим саҳро ва саҳро зоналаридa бўлганидек, совхозимиз яйловларининг умумий тақдири ва, айниқса, табиий ҳосилдорлиги ёғин-сочин миқдорига боғлиқ. Бу жойлар ёғин-сочин билан кам таъминланган зонага киради. Кўп йилларда қишнинг илиқ-иссиқ келиши туфайли майин эфимир ўтлар тезда униб чиқиб, чор-атроф ям-яшил бўлади-қолади. Лекин қишнинг охирида уларни батамом совуқ уриб кетиб, баҳор бошланмасиданоқ яйловларимизнинг асосий қисми яйдоқ даштга айланади. Олимларнинг таъкидлашларича, аксарият совхозлар қатори хўжалигимиз яйловлари ҳам табиий ҳосилдорлиги жиҳатидан энг камбағал яйловлар ҳисобланади.

Гапни бундай оҳангда бошлаётганим бежиз эмас. 1986 йилнинг 1 январида «қулоғи»гача қарзга ботиб қолган совхозни қабул қилиб олишга тўғри келди. 3 миллион 360 минг сўм! Унинг давлатдан қарзи шунча эди.

Сўнгги икки йилни асосий тармоқлар бўйича ҳар томонлама муваффақиятли якунлашга эришдик. Мундоқ қараганда, сарфланаётган харажатлар ҳисобига бинойигина даромад ҳам олаяпмиз. Лекин йил охиридаги ҳисоб-китобларнинг пировард натижаларига келганда ҳафсаламиз пир бўлиб қолаяпти. Совхоз меҳнат аҳлининг йил-ўн икки ой мобайнида мисқоллаб топган даромади ўринли ва ўринсиз қарзларга тўланиб, хўжалик кассаси қуп-қуруқ бўлиб қолаяпти.

1987 йил совхозимизда ёмон якунланмади. Хўжалигимиз, асосан жун берадиган ангор зотли эчкичиликка ихтисослашган. Шу билан бирга қоракўл қўйларига ҳам эгамиз. Ҳозир 23 минг бош эчки ва 15 минг бош қўй-қўзи боқилмоқда.

Даромад олиш учун аниқ ҳисоб-китоб билан ҳаракат қилиш керак. Юбилей йилида совхоз ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида 2 миллион 100 минг сўм харажат қилиш режалаштирилган эди. Амалда у 1 миллион 950 минг сўмни ташкил этди. Йил мобайнида меҳнат ҳақи фондидан 171 минг сўм, ем-хашак сарфлашдан 142 минг сўм, ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи бўйича 5 минг сўм, жорий ремонт ҳисобидан эса 39 минг сўм тежашга эришилди. Аввалига харажатларни тежаш туфайли юзага келган сумма ҳисоб-китоблар охирида қолган 150 минг сўмдан анча кўп — 357 минг сўмга тенг бўлганди. Гап шундаки, айрим соҳаларда пландагидан ортиқча харажат қилишга тўғри келди. Масалан, лалми ерларда ўстириш учун турли экин, жумладан беда уруғлиги сотиб олишга 24 минг сўм, автотранспортда пландаги 75 минг сўм ўрнига икки баробар кўп — 150 минг сўм харажат қилинди. Бусиз, умуман ноилож эдик: ишлар юришмай қолганди. Шу ва бошқа харажатлар умумий тежашдан чегириб ташлангач, ҳақиқатда қолган тежам 150 минг сўмга тушиб қолди.

Жами 1 миллион 555 минг сўм даромад қилдик. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг махсус қарорига биноан совхозларга ҳам етиштирган маҳсулотларнинг 30 процентини ўзи сотиш ҳуқуқи берилган. Шунга кўра совхозда етиштирилган дон, полиз маҳсулотлари, мева ва майизни эркин сотишдан 23 минг сўм, ишчи-хизматчиларга гўшт, қовун-тарвуз, қурилиш материаллари сотиш ва уларнинг ишларини бажаришдан 94 минг сўм даромад олинди. Чорвачиликдан 1 миллион 187 минг сўм ўрнига 1 миллион 289 минг сўм, деҳқончиликдан эса 197 минг сўм ўрнига 237 минг сўм даромад олиш билан йилни якунладик. Хуллас, чорвачилигу деҳқончиликдан 142 минг сўм фойда олинди.

Лекин, афсуски, ғалвир сувдан кўтарилганда совхознинг пул даромади плани 84 минг сўмга бажарилмади. Нега?

Биз сўнгги икки йилда имкониятларимиз даражасида қарздан оз-оздан қутула бошладик. Лекин давлат банки агросаноат банкига айланиши муносабати билан қарзларни ёпишга бўлган талаб ҳам жиддий ўзгарди. 3 миллион 360 минг сўмлик қарзимиз учун 203 минг сўм устама тўлашга мажбур бўлдик. Давлат банки қўядиган талаб ўринли, албатта. Бироқ биз бу қарзларнинг юридик шаклини ўзгартиришни — тўлов муддатини бироз узайтиришни сўрардик. Ҳозирги аҳволда экономикани юксалтириш анча мушкул.

Энди совхоз даромадини ошириб кетаётган ўринсиз қарзлар ва турли тўловлар ҳақида.

Бундан бир неча йил муқаддам тивит жундан рўмол ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариладиган цех очилганди. Мақсад — хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш эди. Ҳозир цехда 120 дан ортиқ одам ишлаяпти. Бу эзгу иш ҳақида газеталарда бир неча бор ёзишди. Лекин масаланинг бир жиҳати соҳада қолаяпти. Мен шу ҳақда тўхталмоқчиман.

Оренбург тивит рўмолларининг нафислиги ҳақида узукнинг кўзидан ўтади, деган таъриф бор. Бизда тўқилаётган рўмоллар эса отнинг тақасидан базўр ўтади. Нега? Бу ишда банд бўлган аёлларимизда тивит жундан турли буюмлар тўқиш бўйича махсус малака, тажриба, маҳорат етишмаяпти, ёш қизларимизни тегишли жойларга юбориб, уларни ўқитиб келаяпмиз. Лекин орадан кўп ўтмай улар турмуш қуришиб, совхозимиздан ва районимиздан ташқарига чиқиб кетишаяпти.

Шундай шароитда совхознинг ишлаб чиқариш-молиявий планида цехга 1987 йилда 220 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш белгилаб берилганди. Аслида эса бор-йўғи 28 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Уларнинг каттагина қисми совхоз омборида ўтмас матоҳ бўлиб ётибди. Маҳсулотнинг сифати паст, эталон талабларига жавоб бермаслиги ҳақида эътирозлар ёғилиб кетди. Бу цехнинг бир олам даҳмазаю ташвишлари етмаганидек, собиқ «Узкаракульпром» раҳбариятининг розилигига кўра 1985 йилда «Узоптгалантерея» бирлашмаси билан «Олтинсой» совхози ўртасида ақл бовар қилмайдиган, асоссиз шартнома тузилган. Унга кўра, совхоз 1986 йилда «Узоптгалантерея» бирлашмасига 1 миллион 200 минг сўмлик тивит маҳсулотлари етказиб бериши керак экан. Совхозда бу миқдорнинг ўндан бир қисмига эришилганда биз дўппимизни осмонга отган бўлардик. Иккинчидан, совхознинг 1987 йилги ишлаб чиқариш-молиявий планида эса бу кўзда тутилмаган. Шу боис «Узоптгалантерея» бирлашмасига асосланмаган шартномадаги маҳсулотлар етказиб берилмади. Шартномани рўкач қилган «Узоптгалантерея» бирлашмаси хўжалигимиздан жарима ундириб олди. Бу масала хусусида сўнгги икки йил ичида кўп жойларга мурожаат қилдик. Лекин бирор ташкилот бизларга сал бўлса-да қайишмади. Асосланмаган шартнома эса «Узоптгалантерея» бирлашмаси учун мўмай даромад манбаи бўлиб қолмоқда. Қаерга бормайлик: «Шартнома, бу — қонун...» дейди. Ахир шу инсофданми: нега биз илгариги ўйланмай қилинган ҳавойи шартномалар учун товон тўлашимиз керак?

Фақат бугина эмас. Умумий қиймати бир ярим миллион сўмлик ҳар хил объектлар қатор йиллардан бери совхоз балансидан чиқарилмай келинаётир. Булар орасида 200 нуқтали автоматик телефон станцияси, юқори кучланишли электролиниялар, хўжалик ҳисобидаги савдо бирлашмасига қарашли магазинлар бор. Улардан район алоқа узели, район электр тармоқлари, район матлубот жамияти фойдаланиб келаяпти. Мактаблар эса қишлоқ Совети балансига ҳалигача ўтказилган эмас. Бир ярим миллион сўмлик объектлар фойдасини турли корхона, ташкилотлар кўрса, улар учун ҳар йили 50 минг сўмдан кўпроқ амортизация харажатларини «Олтинсой» совхози тўлаб келаяпти. Бу объектлар қурилаётган чоғда совхоз буюртмачи ролини ўйнаганлиги учун айбдор эмас-ку, ахир?! Қонунга кўра, қайси объектдан ким фойдаланаётган бўлса, у ўшанинг балансида бўлиши керак.

Ишимизга республиканинг тегишли министрликлари аралашмаса, «Олтинсой» совхозини қарздан қутқариб, унинг қаддини иқтисодий жиҳатдан ростлаш узоқ йилларга чўзилиб кетади.

Совхоз дирекцияси партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда хўжаликни қолоқлик ботқоғидан олиб чиқиш учун имконият ва резервларни қидириб топиш ва ишга солиш устида қунт билан иш олиб бораяпти. Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди ҳам. Жумладан, совхознинг тоғ зонасидаги Қорамачит массивида лалми ер бор эди. Шу массивда бедазорлар майдонини 200 гектарга етказиш чораларини кўраяпмиз. Бу ерда бошоқли экинлар ўстириб, оз бўлса-да дон ва сомон олаяпмиз. Совхоз территориясидаги бир неча сой ёқасида табиий ўтлар нисбатан яхши ўсадиган 35 гектар майдон бор. Пудрат асосида ишлайдиган оилавий звенолар тузиб, бу ўтлоқларни уларга бўлиб бердик.

Таркиби ва шифобахшлиги бўйича «Олтинсой» иссиқ суви оламга машҳур Цхалтуба сувидан қолишмаслиги ҳақида «Правда»да хабар берилган эди. Бу сувнинг ер юзасига чиққан муддати аниқ кўрсатилади.

Колхоз бозорига яқин жойдаги «Универсал қурувчи» кооперативи шу йил бошидан буён аҳолига ана шундай хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирча унинг 15 аъзоси бор. Ҳисоб-китоб ишларини пенсияга чиққан Зинаида Александровна Лазенская олиб боради. Аъзоликка қабул қилинадиган ҳар бир кишининг ҳужжатларини синчиклаб ўрганиш ва расмийлаштириш билан Зинаида Идрисова шуғулланади. Омбор мудирлиги ва кассирликни Илҳом Муҳиддинов бажармоқда. Бевосита қурилиш-ремонт ишларида 8 киши меҳнат қилаётир. Пайғамбаророл давлат қўриқхонасининг ҳайдовчиси Хуррам Каримов дурадгорликка қизиқади. Эшик-дераза ясаш, пол ва потолок қоқишни сифатли бажаради. У кооперативга аъзо бўлганидан буён шанба ва якшанба кунлари бир неча мижозларнинг уйларида дурадгорлик ишларини адо этди. Кооператив аъзолари бир ойда 8 минг сўмлик иш бажаришди. Термез шаҳридаги Наримонов кўчасида истиқомат қилувчи Т. Йўлдошев, «Намуна» колхозининг 1-бригадасидан Қобилхон Иброҳимов, 14-бригададан Эркин Аннаев, Ангор районидаги «Коммунизм» колхозидан Зокир Каримовлар уйларида пол ва потолок қоқиш, электр симларини монтаж қилиш, эшик-дераза ўрнатиш, бўяш ишларини бажардилар.

— Бундай буюртмалар жуда кўп, — дейди кооператив раиси Аллаберди Чориев.— Биз ҳатто айрим ташкилот ва муассасаларда ҳам қурилиш ишларини бажаришимиз мумкин. Ёзги мавсумгача кооператив аъзоларини 50 кишига етказамиз. Тошкент ва Душанбе шаҳаридан тажрибали қурувчилар келишмоқчи. Термез районидаги Ленин номли колхозда шахсий хўжаликлар учун 30 та уй қуриб бериш тўғрисида колхозчилар билан шартнома тузамиз. Бундан ташқари темир-бетон, эшик-дераза, қабр тошлари тайёрлаш цехини ишга туширамиз. Мутахассис кадрларимиз бор. Фақат қурилиш материаллари таъминоти муаммо бўлиб турибди. Кооперативлар фаолиятини жонлантириш, улардан оқилона фойдаланиш умумдавлат аҳамиятига молик иш экан, уни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак.

Ҳеч кимга сир эмас: умумий овқатланиш кооперативлари олдида бундай муаммолар йўқ ҳисоби. Чунки улар маҳсулотларни колхоз бозори ёки шахсий хўжаликлардан харид қилаверишлари мумкин. Лекин қурилиш-ремонт ишлари бўйича кооперативларда бундай имконият қаерда дейсиз! Уюшмаларни тузиш зарурлиги тўғрисида нуфузли йиғилишларда гапирилаяпти. Аммо гап уларни расман тузишдагина эмас. Кооператив раислари область ёки район ташкилотларни раҳбарларига қурилиш материалларидан ёрдам кўрсатишни сўрашганида «Бунинг учун фонд йўқ-ку» деб осонгина қутулишаяпти, баъзилари эса турли баҳоналарни рўкач қилишади. Ҳозирча улардан «Кооператив тузган бўлсангизлар, аравадарингни ўзларинг тортинглар-да», деган таъна эшитишмаяпти, холос.

Владимир Захарович область территориясида ҳеч чора тополмагач, 5 тонна металлни Душанбе шаҳридаги «Металлсбит» бирлашмасидан сотиб олишга мажбур бўлди. Хайриятки, қўшни республикадагилар кооперативларга ёрдам кўрсатиш ҳамманинг иши эканлигини билишар экан.

СССРда кооперация тўғрисидаги қонун лойиҳасида кооперативларнинг ҳуқуқ ва вазифалари ўз аксини топган. Бизнингча, қонунда кооперативларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг фаолиятига баҳо бериш билан қайси ташкилот шуғулланиши кераклиги аниқ кўрсатилса яхши бўларди. Ҳозир шундай коллективлар фаолият юритишмоқда. Уларнинг ишги тўғрисида район партия комитети, ижрокомда ҳам у ёки бу маълумотлар бор, холос. Лекин бевосита ким шуғулланиши — жумбоқ. Кооперативлар фаолияти ким томонидандир вақти-вақти билан назорат қилиниши керак-ку, ахир! Иккинчидан, кооперативлар тузишда шошма-шошарлик юзакичилик, расмиятчилик ярамайди. Ҳали ҳам «Юқоридан топшириқ бўлди, кооператив тузишимиз керак» қабилидаги иш юритиш «касаллиги»дан тўла қутула олганимиз йўқ. Қандайдир кооператив тузиш кераклиги тўғрисида баъзи колхоз ва совхозларга топшириқлар берилибди. Хўжалик раҳбарлари бу топшириқларни қандай бажаришаяпти? Айтайлик, колхоз территориясида район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатига қарашли сартарошхона ёки темирчилик устахонаси бор. Улар ишлаб турибди, аҳолига туппа-тузук хизмат кўрсатиляпти. Сартарошхона ёки устахона биноси — колхозга тегишли. Колхоз правлениеси ёхуд қишлоқ Советининг раиси сартарош ёки темирчи устага: «Маиший хизмат комбинатидан колхозга ўтасан, кооператив тузиб ишлайсан», деган шартни қўймоқда. Агар у кўнмаса, дўконни муҳрлашади ва қоқмоқда... Хуллас, ишлагани қўйишмайди. Буни қандай тушуниш керак? Зўрма-зўраки кооператив тузиш қонунга мутлақо хилоф-ку! Кейин ишлаб турган нуқталарни ёпиш ҳисобидан эмас, балки аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтириш ва янада яхшилаш мақсадида кооперативлар тузилаётганлигини унутмаслик керак. Жданов номли колхоз территориясида енгил автомашиналар учун жилд тикиш цехи худди юқорида баён этилганидек, район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ҳисобидан чиқарилиб, кооперативга айлантирилди. «Меҳнат» кооперативи шу йилнинг уч ойи мобайнида аҳолига атиги 1.100 сўмлик хизмат кўрсатибди. Ҳолбуки, маиший хизмат кўрсатиш комбинати ҳисобида бўлган пайтларда ойига 500—600 сўмлик иш бажариларди.

Хуллас, районда ташкил этилган ва барпо қилинаётган кооператив фаолияти уларга доимий эътибор, амалий ёрдам зарурлигини кўрсатиб турибди.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ПЕТРОСАВОДСК. Карелияда балиқ урчитиш заводларининг ҳовузларидан лососчаларни шимолий дарёларга кўчириш баҳорги операцияси тугади. Икки ёшгача ўстирилган ярим миллиондан кўп майда лосось дарёларда жавлон ура бошлади. Ҳар бир балиқчага махсус белги қўйилган. Лососли дарёларни чўртан балиқлардан тозалаш ана шу операциянинг таркибий қисми бўлди. Чунки чўртан майда лососларни ютиб юборади. Бу ўткир тишли йиртқичларни овлашда юзлаб ҳаваскор балиқчилар қатнашди. 30 йиллик тақиқлашдан сўнг биринчи марта ҳаваскор балиқчилар ана шу мақсадда дарё қирғоқларига қўйилди. Текшириш мақсадида балиқ тутиб кўрилганида, кейинги йилларда Карелия ҳавзаларида лосось анча кўпайиб қолганлиги маълум бўлди.

* * *

НОВОСИБИРСК. Область архитекторлар уйида очилган кўргазмага буғучилар ва овчилар учун қурилажак посёлкаларнинг лойиҳалари қўйилган. Ленинград, Новосибирск, Якутск ва бошқа шаҳарларнинг мутахассислари ўзига хос ишланмаларни тайёрладилар. Кўргазма шимол халқлари қишлоқларини қуриш проблемалари юзасидан ўтказиладиган илмий-амалий конференцияга бағишланган бўлиб, меъморларнинг ижодий активлиги ўсганлигини акс эттиради. РСФСР Архитекторлар союзи билан республика Агросаноат давлат комитети энг яхши лойиҳалар учун очиқ конкурс ўтказди. Новосибирск шаҳрида шимол қишлоқлари архитектураси марказий илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилди, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг лабораториялари, Сибирь табиий ресурсларини ўзлаштириш билан шуғулланаётган тармоқ илмий-тадқиқот институтлари коллективлари билан илмий алоқалар ўрнатилди.

* * *

ИВАНО-ФРАНКОВСК. Коломия гардин фабрикасининг янги цехи ранг-баранг уқалар тўқиб чиқара бошлади. Уқа пахта ипи ва полиэфир ипдан 17 хил гулда тўқиб тайёрланмоқда. Корхонада соҳада биринчи бўлиб электрон билан бошқариладиган юзта машина монтаж қилинди. Ёш ишчилар бу машиналарда ишлашни тезда ўрганиб олдилар. Уларнинг ҳар бири 18—20 тадан машинани ишлатмоқда. Дастлабки минг метр янги хил уқа магазинларга юборилди.

* * *

ХОРУҒ (Тоғли Бадахшон автоном области). Телевидение тоғ сари кўтарилиб бормоқда. «Экран» системасидаги транслятор ўрнатилгач, Помирдаги баланд тоғ қишлоқларидан бир нечтасининг аҳолиси марказий телевидение икки программасини рангли тасвирда кўриш имкониятига эга бўлди. Эндиликда Тоғли Бадахшоннинг қарийб ҳамма қишлоқлари марказий ва республика телепрограммалари равшан қабул қилинадиган зона бўлиб қолди.

* * *

ЛЬВОВ. Львов шаҳрида мамлакат қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ёшлар фестивали — «Студент баҳори-88» ниҳоясига етди. Унинг қатнашчиларининг тўрт кун давомида студентларнинг ўзини ўзи бошқариш масалаларини ўргандилар, ўқув хўжаликларида орттирилган иш тажрибасини ўртоқлашдилар. Литва ва Белоруссия, Москва, бошқа шаҳарлар олий ўқув юртларининг вакиллари бадиий ҳаваскорлик соҳасида эришган муваффақиятларини намойиш қилдилар. Авторлик қўшиқлари кечалари, шунингдек ҳазил-мутойиба, қувноқ аскиячилар байрами муваффақиятли ўтди.

* * *

СТЕРЛИТАМАК (Бошқирдистон АССР). Шаҳар атрофларини ел моторларининг оппоқ парраклари безади. Стерлитамак станоксозлик заводининг мутахассислари шаҳарликларнинг чорбоғ участкаларида дастлабки ел агрегатларини ўрнатдилар. Бу агрегатлар шахсий ёрдамчи хўжаликларда қудуқлардан сув тортиб беради. Янгиликдан ҳамма чорбоғчилар баҳраманд бўла олади: конструкцияси содда, нархи 140 сўм.

* * *

УЛЕТИ (Чита области). «Путь к коммунизму» колхозидан ака-ука Тюриковлар оилавий пудрат асосида гречиха етиштиришга киришдилар. Сергей, Николай ва Иван 160 гектар ерга гречиха экдилар. Механизаторлар хўжаликдан жами 1400 гектар ерни ижарага олдилар. Оға-инилар районда биринчи бўлиб буғдой экдилар, далаларга пухта ишлов берилиб, минерал ўғит солинганидан кейин сули эка бошладилар. Гречиха майдони экишга тайёрлаб қўйилди.

* * *

КУЙБИШЕВ. СССР дизайнерлари союзи правлениесининг пленумида саноатнинг етакчи тармоқларида дизайнерлик фаолиятининг аҳволи ва даражаси таҳлил этилди. Пленум Куйбишев шаҳрида бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари бадиий конструкциялаш ишларини ривожлантиришга халқит бераётган муаммоларни ҳал этиш йўлларини муҳокама қилдилар. Дизайнер кадрлар профессионал маҳоратини ошириш, уларни тайёрлаш режалари белгилаб олинди.

(ТАСС).

ЭКОНОМИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

СИБИРЛИКЛАР УЧУН

Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатидан қутб доираси яқинидаги Нягань шаҳрига йил бошидан бери ўн минг квадрат метрдан зиёд уй-жой жўнатилди. Бу ерда «Ўзбектюменьжилстрой» махсус поезднинг коллективи иккита янги микрорайонни комплекс равишда қурмоқда.

Бу уйсозлик комбинати икки йилдан бери сибирликларга уйлар жўнатмоқда. Ишлар шимолга мосланган беш қаватли уйлардан бошланганди. Шундан кейин комбинат 9 қаватли уйлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу уйлар иссиқни сақлайдиган полимер наматли уч қаватли панеллардан йиғилмоқда.

Тошкентлик уйсозлар бултур шимолга пландаги 8 минг куб метр ўрнига қарийб 9 минг куб метр темир-бетон плита ортиб жўнатдилар. Шу йил Ғарбий Сибирь нефтчилари ва газчиларига 40 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой юборишни мўлжалланмоқда.

ХЎЖАЛИК УСУЛИ БИЛАН

«Промтехмонтаж» бошқармасида уй-жой олиш учун навбатда турганлар рўйхати уч баравар камайди. Шундай қилиб, бу ерда уй-жой шароитларини яхшилаб олишни хоҳловчилардан атиги 47 кишигина қолди.

Бошқармада ўзлаштирилган хўжалик усули уй-жой проблемасини ҳал этишни тезлатишда ёрдам берди. Бунинг учун махсус қурилиш участкаси тузилиб, у тажрибали мутахассислар билан мустаҳкамланди.

Бошқармадагилар келаси йилиёқ муҳтож оилаларнинг ҳаммаси янги квартираларнинг калитини олади ва уй-жой муаммоси кун тартибидан чиқариб борилади, деб ҳисобламоқдалар.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ ҲУЖУМ СУСАЙТИРИЛМАСИН

КПСС Марказий Комитети ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон тайёрлашни тугатиш чоралари тўғрисида қарор қабул қилгандан буён орадан уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятининг бошланғич ташкилотлари сўнгги йилларда республиканинг автомобиль ва темир йўл транспорти корхоналари меҳнат коллективларида бу соҳада қандай ишларни амалга оширди?

Ўзбекистон ҳушёрлик учун кураш республика кўнгилли жамиятининг 20 май куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида шу ҳақда гап борди. Жамият активлари касаба союз ташкилотлари билан биргаликда транспорт тармоғи коллективларида алкоголизмга қарши пропаганда, ҳушёр турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан муайян ишларни бажарганликлари таъкидланди. Шу билан бирга ана шу фаолиятнинг самараси ҳали жуда кам. Ишлаб чиқаришда аварияларга, жароҳатланишга, одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келаётган ичкиликбозлик ҳоллари камаймаяпти. Пленум қатнашчилари мавжуд камчиликларни бартараф этишга жамият бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиладилар.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов иш билан ғоят бандлиги туфайли шахсий илтимосига кўра ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамияти республика кенгашининг раиси вазифасидан озод қилинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. А. Асқаров жамият республика кенгашининг раиси қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).



Қўқон суперфосфат заводи қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар тайёрлаб беради. Корхона коллективи айни кунларда Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мусобақани қизитиб ишламоқда. Моҳир слесарь Абдуқодир Камолов меҳнат беллашувининг олдинги сафида бораяпти. Ингирма тўрт йилдан бери ўз касбини эҳтиёт қилаётган бу ишчи кунлик ва ойлик топшириқни мунтазам ошириб бажармоқда.

СУРАТДА: мусобақа пешқадами А. Камолов.

Ҳ. МЕЛИБОЕВ фотоси.

ЖИНОЯТЧИЛИК ЙЎЛИГА — МУСТАҲКАМ ҒОВ

20 май куни Тошкентда ўтказилган семинар-кенгашда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, жамоат тартибини, республика меҳнаткашларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни мустаҳкамлаш, бу ишни идеологик жиҳатдан самарали таъминлашга оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг сиёсий ходимлари, шу министрлик хизматлари ва бўлинмалари партия-комсомол активларининг вакиллари қатнашдилар. Улар мамлакат Ички ишлар министрлиги системасидаги сиёсий органлар тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тасдиқлаган янги низомдан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

КООПЕРАЦИЯ — ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛ

ИШТИЁҚ БАЛАНД, У СЎНИБ ҚОЛМАСИН

Термез райони территориясида халқ депутатлари район Совети ижроия комитети қарори билан тузилган 5 та кооператив дуруст фаолият кўрсатмоқда. «Универсал қурувчи», «Лола», «Меҳнат», «Юлдуз», «Термиз» кооперативлари жорий йилнинг биринчи кварталида 7.750 сўмлик юмуш бажаришди. Уларнинг беминнат хизматидан мижозлар миннатдор бўлишаётир.

«Намуна» колхозининг Киров участкасида фаолият кўрсатаётган «Лола» кооперативи иши билан таниш-дик. Уюшма аъзолари асосан темир каравот, дераза учун тўсиқ, дарвозалар ясашади. Унга район матлубот жамияти қурилиш бригадаси ишчиси Владимир Захарович Гаисов раис. Уни таниганлар «Гаисов — қўли гул, темирга жон киритадиган уста» дейишади. Шогирдлари билан биргаликда тайёрлаган темир каравотлар, унинг атрофидаги чамбаракларни томоша қилган ҳар бир киши ҳам ҳудди шундай баҳо беради. Ҳовлига тартиб билан териб қўйилган тайёр буюмлар санъат асаридек туюлади. Каравотлар чамбарагининг ўртасига жойлаштирилган қип-қизил лола шакли маҳсулотнинг «Лола» кооперативида тайёрланганлигини билдиради. Харидорлар каравотни харид қилиб пулини тўлашгач, «Раҳмат, қўлингиз дард кўрмасин, уста!» дейишаётганининг ўзидан ҳам уларнинг қандай ишлаётганини билса бўлади.

Кооперативда 4 киши меҳнат қилаётир. Қосим Собитов пайвандлаш ишларини бажармоқда. Пардозлаш ишлари слесарлар Игорь Гаисов ва Николай Марета зиммасида. Раис ҳозирча ташкилий ишлар билан банд. У биринчи галда ҳамроҳларини қурилиш материаллари билан таъминлаши лозим.

— Кооперативда меҳнат қилиш асосий иш жойингиздаги юмушларни бажаришга халал бермайдими? — сўрадик Гаисовдан.

— Асло, — дейди уста. — Ахир биз асосан бўш вақтларимизда, шанба ва якшанба кунлари кооперативда ишлаймиз. Айниқса ёз ойларида кун узун — шомгача анча иш қилиш мумкин. Кейин халқимизда «Бекор тургунча бекор ишла» деган нақл бор. Қўлда ҳунар, билакда куч-ғайрат бўлса-ю, бўш вақтни зое ўтказсак биров раҳмат дермиди? Ўзинг қизиққан юмуш билан машғул бўлганингдан сўнг чарчамайсан, аксинча, маънавий қониқиш оласан киши. Баъзилар назарида кооператив бойлик орттириш манбаи эмиш. Ҳеч-да! Уни тузиб, қўл қовуштириб ўтирчи, нима бўлар экан. Харидоргир маҳсулот тайёрласангина уни сотиб олишади. Мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш тутилса, шарманда бўлиш турган гап. Бошланиши ёмон эмас: бир ойда минг сўмлик маҳсулот сотдик. Жой ажратишда, вақтинча қарзга маблағ беришда маҳаллий ташкилотлар ёрдам кўрсатишаяпти. Ҳозир иш жойимиз тайин. Муҳр ва штампимиз бор, давлат банкида ўз ҳисобимиз очилган. Фақат бир нарсадан — қурилиш материалларидан қийналаяпмиз. Магазинларда биз учун зарур моллар ҳамиша ҳам муҳайё эмас. Ҳукумат қарорида давлат таъминоти базалари имкониятларига қараб кооперативларга ёрдам кўрсатишлари лозимлиги уқтириб ўтилган. Ҳозирча ана шундай ёрдам бўлмаётир. Мижозлардан кўпдан-кўп буюртмалар тушаяпти, бироқ уларни бажариш имкониятларимиз жуда чекланган.

Владимир Захаровичнинг гапида жон бор. Одамлар билан суҳбатлашсангиз, улар айниқса қурилиш ва ремонт ишлари бўйича кооперативларнинг ташкил топаётгани айни муддао эканлигини айтишади. Чунки кооператив ташкилот билан буюртмачи ўртасида шартнома тузилиб, бажарилиши лозим бўлган иш ҳажми, харажатлар учун лойиҳа-смета ҳужжати тайёрланиб, ишнинг бажарилиш тартиби ва муддатлари аниқ кўрсатилади. Ҳеч кимга сир эмас: умумий овқатланиш кооперативлари олдида бундай муаммолар йўқ ҳисоби. Чунки улар маҳсулотларни колхоз бозори ёки шахсий хўжаликлардан харид қилаверишлари мумкин. Лекин қурилиш-ремонт ишлари бўйича кооперативларда бундай имконият қаерда дейсиз! Уюшмаларни тузиш зарурлиги тўғрисида нуфузли йиғилишларда гапирилаяпти. Аммо гап уларни расман тузишдагина эмас. Кооператив раислари область ёки район ташкилотларни раҳбарларига қурилиш материалларидан ёрдам кўрсатишни сўрашганида «Бунинг учун фонд йўқ-ку» деб осонгина қутулишаяпти, баъзилари эса турли баҳоналарни рўкач қилишади. Ҳозирча улардан «Кооператив тузган бўлсангизлар, аравадарингни ўзларинг тортинглар-да», деган таъна эшитишмаяпти, холос.

Владимир Захарович область территориясида ҳеч чора тополмагач, 5 тонна металлни Душанбе шаҳридаги «Металлсбит» бирлашмасидан сотиб олишга мажбур бўлди. Хайриятки, қўшни республикадагилар кооперативларга ёрдам кўрсатиш ҳамманинг иши эканлигини билишар экан.

СССРда кооперация тўғрисидаги қонун лойиҳасида кооперативларнинг ҳуқуқ ва вазифалари ўз аксини топган. Бизнингча, қонунда кооперативларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг фаолиятига баҳо бериш билан қайси ташкилот шуғулланиши кераклиги аниқ кўрсатилса яхши бўларди. Ҳозир шундай коллективлар фаолият юритишмоқда. Уларнинг ишги тўғрисида район партия комитети, ижрокомда ҳам у ёки бу маълумотлар бор, холос. Лекин бевосита ким шуғулланиши — жумбоқ. Кооперативлар фаолияти ким томонидандир вақти-вақти билан назорат қилиниши керак-ку, ахир! Иккинчидан, кооперативлар тузишда шошма-шошарлик юзакичилик, расмиятчилик ярамайди. Ҳали ҳам «Юқоридан топшириқ бўлди, кооператив тузишимиз керак» қабилидаги иш юритиш «касаллиги»дан тўла қутула олганимиз йўқ. Қандайдир кооператив тузиш кераклиги тўғрисида баъзи колхоз ва совхозларга топшириқлар берилибди. Хўжалик раҳбарлари бу топшириқларни қандай бажаришаяпти? Айтайлик, колхоз территориясида район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатига қарашли сартарошхона ёки темирчилик устахонаси бор. Улар ишлаб турибди, аҳолига туппа-тузук хизмат кўрсатиляпти. Сартарошхона ёки устахона биноси — колхозга тегишли. Колхоз правлениеси ёхуд қишлоқ Советининг раиси сартарош ёки темирчи устага: «Маиший хизмат комбинатидан колхозга ўтасан, кооператив тузиб ишлайсан», деган шартни қўймоқда. Агар у кўнмаса, дўконни муҳрлашади ва қоқмоқда... Хуллас, ишлагани қўйишмайди. Буни қандай тушуниш керак? Зўрма-зўраки кооператив тузиш қонунга мутлақо хилоф-ку! Кейин ишлаб турган нуқталарни ёпиш ҳисобидан эмас, балки аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтириш ва янада яхшилаш мақсадида кооперативлар тузилаётганлигини унутмаслик керак. Жданов номли колхоз территориясида енгил автомашиналар учун жилд тикиш цехи худди юқорида баён этилганидек, район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ҳисобидан чиқарилиб, к

БАЙРОҚЛАР ЖАМУЛЖАМ

24 майда Ўзбекистон пойтахтида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро X кинофестивали байроғи кўтарилади. Анъанавий анжуман одатга кўра аввалгилари сингари «Тинчлик учун, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтади. 1968 йилда биринчи марта янграган бу чақириқ барча ривожланаётган мамлакатлар кинематографчиларининг эътиборини тортди. Дастлаб ўз геварагига Осиё ва Африка қитъалари вакилларини бирлаштирган фестиваль орадан 6 йил ўтгач, Лотин Америкаси давлатларини ҳам жалб этди. Бу анжуман қатнашчилари сони кескин кўпайишига сабаб бўлди. Агар 1968 йили биринчи бор ўтказилган Тошкент кўригида 49 мамлакат иштирок этган бўлса, ўтган сафар улар сони юздан ошиб кетди. Фестивалга юзга яқин бадиий ва ҳужжатли фильм олиб келинди. Уларнинг 30 таси расмий кўрсатув программасига киритилди.

Тошкент халқаро кино анжуманининг обрўси йилдан-йилга ўсди, унинг иштирокчилари сони кўпайди. Лекин совринлар ва дипломлар шу кунга қадар эгаллаган ўрнига қараб эмас, балки қатнашганлиги учун берилярди. Бу сафарги Тошкент фестивалининг аввалгилардан асосий фарқи шуки, у илк маротаба конкурс йўли билан ўтказилади. Юқорида таъкидланганидек, аввалги кўрикларда кўплаб киноленталар олдиндан танлаб олинмасдан экранга чиқарилган бўлса, эндиликда улар сараланиб, конкурс программасига киритилади. Булар борйўғи ўн олти лентадир.

Фильмларни ҳал қилувчи кўрсатувга танлаб олиш учун фестиваль бошланишидан бир неча ой муқаддам таниқли режиссёрлар ва актёрлардан иборат комиссия ташкил этилди. Унинг аъзолари анъанавий кўрикда қатнашиш истагини билдирган мамлакатларда бўлиб, энг яхши ленталарни сараладилар. Танлашнинг бундан кейинги босқичи Москвада, ниҳоят Тошкентда ўтди.

Сараланган фильмларнинг ғоявий ва бадиий даражаси, режиссёрлар, актёрлар, операторларнинг маҳорати уларни баҳолашда асосий мезон вазифасини ўтади.

Конкурсда кўрсатиладиган ўн олти фильм орасида «Чегаралик қиз» (Никарагуа), «Тош қичқириғи» (Жазоир), «Тунги саёҳат» (Туркия). «Урушдан олис йиллар» (ХХР), «Ороллик болалар» (Япония), «Хареба ва Гоги» (Грузия) ва бошқа ленталар бор.

Ғолиблар учун беш соврин таъсис этилган. Улар муваффақиятли биринчи чиқиш, аёллар ва эркаклар ролини яхши ижро этганлик учун берилади. Кино санъатида миллий анъаналарни ривожлантирганлик учун ҳам мукофотлар таъсис этилган.

Фестиваль қатнашчилари жамоат ташкилотларининг, шу жумладан СССР ва Ўзбекистон ССР Кинематографчилар союзларининг совринлари билан тақдирланадилар.

Бу йилги анжуманда конкурсга қўйилган тўла метражли фильмларни баҳолаш билан халқаро ҳайъат шуғулланади. Уларга бериладиган баҳолар холис бўлиши учун ленталарни бундан аввал танлашда қатнашган кишиларнинг ҳайъат таркибига кириши таъқиқланади.

Бу сафарги фестивалнинг асосий хусусияти у СССРда кинематография ишини қайта қуриш бораётган даврда ўтаётгани билан белгиланади. Намойиш этиладиган мамлакат ва республикалар киностудияларининг фильмлари бепоён Ватанимизда бораётган қайта қуриш жараёнининг инқилобий моҳиятини акс эттирици, янгиланиш руҳини ёрқин бадиий ва публицистик шаклларда очиб бериши лозим.

«Ўзбекфильм» студиясида кейинги йилларда бир қанча фильмлар яратилди. Улардан фақат Мэлс Абзаловнинг Р. Муҳаммаджонов ва В. Соколов сценарийси асосида яратган янги лентасигина фестивалда кўрсатилади.

Анжуман доирасида ишлайдиган «Прокат—88» кинематографчилар клуби ўзаро фикрлар алмашиш, баҳслар ташкил этиш имкониятини беради. Фестиваль қатнашчилари у ёки бу лентани томоша қиладилар, шу хусусдаги мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар. Улар айни пайтда «Кино ва миллий маданият анъаналари» симпозиумида иштирок этадилар.

«Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдида ҳилпирайдиган ранг-баранг байроқлар, фестиваль нишони туширилган панно бош штабга ўзгача тантановорлик бағишлайди. Меҳмонхона пештоқидаги каптарлар тасвири эса Тошкент анжуманининг шиори муҳим аҳамиятга молик эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

Е. ТРАВАС.



СУРАТДА: «Ўзбекфильм» студиясининг «Армон» фильмидан лавҳа.

Бизнинг мусоҳаба

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Малик ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правленеисининг биринчи секретари, СССР халқ артисти

— «Тинчлик учун, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» — Фестиваль байроғига битилган бу сўзлар Ўзбекистон пойтахтида бўладиган ҳаяжонли учрашувларнинг туб моҳиятини очиб беради. Инсонпарварлик ғоялари тантана қилиши учун курашаётган кинематографчиларнинг янги асарлари намойиш этилади. Фестиваль кундарида янги номлар билан, унда илк бор қатнашаётган мамлакатлар билан танишиш имкониятига эга бўламиз.

Тошкентда туғилган дўстлик, ҳамкорлик руҳи ғоялар ва фикр-мулоҳазалар билан очиқчасига ўртоқлашиш, ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш учун қулай вазиятни вужудга келтиради. Анъанавий кинофестиваль географияси тобора кенгайиб бораётганига сабаб ана шундадир. Дастлабки йилларда унда фақат Осиё ва Африка мамлакатлари вакиллари қатнашган бўлсалар, кейинчалик улар сафига Лотин Америкаси кинематографчилари ҳам қўшилдилар.

Бу йил анъанавий анжуман иштирокчилари сони рекорд даражага етишига шубҳа йўқ. Кинематографчилар ўз олдиларида катта масъулият турганини тушуниб олишлари, кино воситалари одамларга ўзларининг бахтли ҳаёт йўлларини топиб олишларида ёрдам беришига ишонаман.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
СССР халқ артисти

Анъанавий Тошкент кинофестивали уч қитъа ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Биз, санъат ходимлари, ҳамкасбларимиз турмушида эришилган ютуқлар билан етарли танишмай туриб, маҳоратимизни ошира олмаймиз. Шу боис дўстларимизнинг энг яхши асарлари билан ҳар икки йилда бир марта танишиб бориш ҳаммани қувонтирмоқда.

Шуниси қувончлики, фестиваль ўтадиган ўн кун мобайнида шаҳримиз уч қитъанинг кино санъати пойтахтига айланади. Йирик анжуман бизни бир-биримизга янада яқинлаштиради, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлайди.

Дамир САЛИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кинорежиссёр

Аввало бу йил ўнинчи маротаба ўтказилаётган бу йирик анжуманнинг катта аҳамиятга молик эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. У муҳим муаммоларни ҳал этиш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашда ижобий роль ўйнайди. Бизнинг инсоният олдидаги масъулиятимиз каттадир.

Республикамиз пойтахтида бўладиган учрашувлар ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик вазиятида ўтишига ишонаман. Улар санъатда инсонпарварлик ғояларини ривожлантиришга кўмаклашади. Фестиваль ўтган икки йил мобайнида пайдо бўлган янгиликларни яққол намойиш этади.

ТАМАРАХОНИМ,
СССР халқ артисти

— Фестивални ҳар доим сабрсизлик билан кутаман. Унинг обрўйи ва оммавийлиги кейинги йилларда ниҳоятда ўсди, Анжуман қатнашчилари сафи тобора кенгайиб бораётганлиги шундан далолат беради. Замонавий муаммолар, халқларнинг бахт-саодат ва адолат учун курашини акс эттирувчи бадиий ленталар кўпаймоқда.

Фестивалнинг муҳим жиҳати шуки, у уч қитъа кинематографчиларининг ижоди билан танишиш имконини беради. Осиёлик, африкалик, жанубий америкалик дўстларим ва ҳамкасбларим билан яна бир бор учрашиш, мулоқот қилишга мушарраф бўлганимдан қувонаман. Фестиваль нафақат кинематографчиларнинг катта байрами, балки халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳамдир.

ОДАМИЙЛИК РАМЗИ

Баграт Оганесяннинг «Хўжайин» фильми экранга чиққанига анча бўлди. Ростом ўрмончилиги яқинидаги унча катта бўлмаган арман қишлоғида рўй берадиган бу воқеа агар инсон ўз ота-онаси, аждодларини унутмаса, хотирлай олса, унда муайян маънавият пайдо бўлишини исботлайди. Бу дунёда кўп нарсалар ўзгаради, кўп нарсаларни ўзгартириш керак. Лекин юрагингда аждодлар хотираси яшаган тақдирдагина сен олдингга қўйган ниятларга эришасан.

Арманистонлик кинематографчилар бадиий ленталарда инсонпарварлик ғояларини чуқур акс эттиришлари билан ажралиб туришади. 1926 йилда Амо Бек-Назаров яратган «Номус» фильмидаёқ ёш республика кино санъатининг асосий йўналиши яққол кўзга ташланди. Ғоявийлиги, классик адабиёт билан узвий алоқаси очиқ-ойдин намоён бўлди, илк қадамидан бошлаб арман саҳнаси анъаналаригa таянди. «Номус» фильмида қатнашган театр актёрлари эса кейинчалик ўз ижодларини экран билан маҳкам боғладилар. Арманистон киноси А. Бек-Назаров мисолида ҳам моҳир сценарийчи, ҳам режиссёрга эга бўлди. У республикада санъатнинг бу турини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Амо Бек-Назаровнинг бошқа фильми — «Пэпо» (1935) ҳам томошабинлар учун янгилик бўлди. Арман адабиётининг классиги Сундукяннинг шу номдаги драмаси асосида яратилган бу лента асар доирасидан ташқарига чиқди. Фильмда, Мариэтта Шагинян таъбири билан айтганда, асосий қаҳрамон — балиқчи Пэпо тақдирига кўчанинг аста-секин уйғониш тарихи қўшилиб кетади. У биринчи марта фаол ҳаракат этувчи шахс сифатида чиқади. Бой билан синфий курашда оқсуяк ғолиб келган бўлса-да, аммо тарихий истиқбол Пэпо томонида, пировардида у ва унинг ҳамфикрлари ғалаба қилишлари керак.

Пэпо арман киносида янги саҳифани очди. Бу зарварақ эндиликда бошидан охиригача муваффақиятларга тўла. Улар орасида африкалик ёзувчи Абрахамс асари асосида 1965 йилда экранлаштирилган «Мамоқалдироқ сўқмоғи бўйлаб» лентаси ажралиб туради.

Кейинги йиллар янги кинематографчилар етишиб чиққанлиги, юксак эстетик ғоялар қарор топаётганлиги билан эътиборни тортади. Санъаткорлар диққат марказида мураккаб туйғулар ва руҳий муаммоларга эга бўлган инсон туради. Режиссёр А. Ай-Артян А. Ширвонзоданинг «Номус туфайли» драмасини экранлаштирди. Э. Карамян ва С. Кеварковнинг ажойиб ижодкор ленинчи Камога бағишланган тарихий-инқилобий материалга мурожаат этиши янада муваффақиятли бўлди. Жасорати афсонага айланган Камо билан «Шахсан маълум» ва «Фавқулодда топшириқ» диалогияси орқали танишамиз.

Ёш режиссёр Фрунзе Давлатян 1965 йилда «Салом, бу мен» фильмини яратди. Унда асримизнинг муҳим маънавий муаммолари кўтариб чиқилди.

Арман киноси усталарининг бугунги кундаги ижобий интилишлари, изланишлари ҳам қувончли. Улар жамиятимиз ҳаётида, одамлар онги ва феъл-атворида рўй бераётган туб ўзгаришларни ёрқин, ҳаққоний кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Республиканинг ҳозирги кундаги етук режиссёрларидан бири Фрунзе Давлатян яратган «Узоқ яшанг» фильми экранларда муваффақиятли намойиш этилди. Унда бир оила фожиаси мисолида муҳим ахлоқий масалалар очиб берилади.

Режиссёр Альберт Мкртчянниг «Ҳаётнинг ёқимли ярми» фильмида муҳим муаммолар ўртага қўйилади. «Қизиқчининг табассуми» комедияси Леван Сатрян ва Эмонд Кеосаян ижодий ҳамкорлигининг маҳсули бўлди. Григорий Мелик-Авакяннинг тарихий-инқилобий мавзуга бағишланган лентасида афсонавий қизил саркарда Гай сиймоси яратилди. Альберт Мкртчяннинг «Ўтган кунлар қўшиғи», ёш режиссёрлар Сурен Бабаян ва Микаэл Давлатяннинг «Тустовуқ қичқириғи» фильмлари ҳам кейинги йилларнинг қизиқарли ленталари жумласига киради.

Арманистон кинематографчилари юксак вазифалар — гражданлик масъулиятини камол топтириш, ахлоқий масалаларни кўтариб чиқиш, шу йўл билан замондошларимизнинг маънавий дунёсига таъсир кўрсатиш, эртанги кун кишисини тарбиялашга ҳаракат қилмоқдалар.

А. ЗОКИРОВ.

БОҒЛАРНИ АСРАЙЛИК

Ўзбекистонда табиий шароитнинг қулайлиги: қуёш нури, иссиқлик, сув етарли даражадалиги боғдорчилик ва узумчиликни кенг кўламда ривожлантиришга катта имкониятлар яратади. Лекин республиканинг бу тармоқларида ялпи ҳосил салмоғи йил сайин ортиб бораётган бўлса-да, тектар ҳосилдорлиги ҳамон пастлигича қолмоқда. Бунинг асосий сабаби боғларнинг ҳолати ёмонлигида. Яъни агротехника қоидаларига риоя қилинмаяпти, мевали дарахтларга сифатли шакл берилмаётир, уларнинг эскиларини янгилари билан тўлдириш суст бормоқда, зараркунандалар ва касалликларга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаяпти.

Сўнгги йилларда фақат боғ қушандаларининг хуружи туфайли олмадан 30 процент кам ҳосил олинди, сифатга путур етди. Айниқса иқлим шароити бирмунча мўътадил бўлган тоғолди районларидаги данак мевали дарахтларда парша ва клятероспариз (тешикли доғланиш) касалликларининг кенг тарқалиши оқибатида 1987 йилда 25—30 минг тоннадан зиёд ўрик ва шафтоли бой берилди.

Боғ зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг оддий механик усуллари мавжуд. Агар улардан оқилона фойдаланилса биринчидан, қушандалар тарқалишининг олди олинади, иккинчидан, кимёвий ишлов беришнинг муддати қисқариб, атроф муҳитининг заҳарли моддалардан зарарланиши камаяди.

Барча тадбирларни ҳозирнинг ўзидаёқ сира кечиктирмасдан ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилинганда қишловчи зараркунандалар ва касалликларнинг кўпайиши ҳамда тарқалишига тўсиқ қўйилади.

«Қуриган дарахтнинг хосияти йўқ» деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Унинг пўстлоғи ости зараркунандалар яширинадиган энг қулай жой бўлиб, улар айни шу ерда қишлайдилар. Шу боисдан ҳозир пўстлоқ остларини сим чўткалар билан тозалаш, қуриган ва қурий бошлаган шох-шаббаларни эса кесиб боғ ташқарисида ёндириб юбориш биринчи галдаги вазифадир.

6—8 йиллик дарахтларнинг кесилган жойлари albatta сувалиши керак. Бундан тенг нисбатдаги соз туп-роқ ва гўнг аралашмасидан тайёрланган қоришма ишлатилади. Мабодо дарахт пўстлогида заха бўлса, 10 килограмм қоришмага цинеб ёки поликарбацен, бектериоз касаллиги бўлган тақдирда 50 грамм топсин қўшилади. Суваш да турли мойбўёқлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Дарахтлар қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилинганда хазон остида, тупроқ юзасида қишлаган қурт, қандала, ўргимчак кана сингари зараркунандалар ҳамда парша, ун шудринг каби касалликларнинг замбуруғларига қирон келтирилади.

Зарарли ҳашаротларга қарши курашнинг яна бир самарали воситаси — «овловчи белбоғ». У дарахт танаси ҳамда асосий шохларига боғланади.

Туткич эни 20—25 сантиметрдан кам бўлмаган қопбоп материаллардан тайёрланади. У ҳар ҳафтада янгиланиб турилса, зараркунандалар 80 процентгача камаяди. Бунга риоя қилинмаган тақдирда белбоғ қушандаларнинг кўпайиш маконига айланиши мумкин.

Карантин зараркунанда ҳисобланган калифорния қалқонига қарши гектар ҳисобига 12—15 килограмм 30-номерли препарат ва ДНОК аралашмасидан тайёрланган қоришманинг 70—80 килограмми ишлатилганда яхши натижа беради. Дўлана куяси ва бошқа қушандаларга эса бардосга 4 килограмм метафос, 30 килограмм 30-номерли препарат ёки трихлорал-5 қўшилиб, гектар ҳисобига 50 килограмм сарфланади.

Мавжуд дорилаш аппаратлари, ОВС ва ОВТ мосламалари 4—5 метрли дарахтларгагина сифатли ишлов бера олади. Шунинг учун баланд бўйлилари шакл беришда иложи борича қисқартирилиши ёки дори бир вақтнинг ўзида икки томонлама сепилиши лозим. Бунда ўзига хос туман ҳосил бўлиб, унинг бир қисми юқорига кўтарилади, натижада барча шохлар намланади.

Хўжаликларда калифорния, шарқ мевахўрларини тутадиган феромон мавжуд. Уни ҳар 3—5 гектарга қўйиб, ана шу территорияда қандай зараркунандалар борлигини, уларнинг қапалаги қачон учиб чиқишини аниқлаш мумкин. Бу маълумотлар уларга қарши тадбирлар муддатини белгилашда қўл келади.

Баъзан шунақаси ҳам бўлади: боғ орасида 1—2 туп тут борлигидан унга кимёвий ишлов беришга рухсат берилмайди. Сабаби ипак қурти боқиш мавсуми бошланган. Натижада бу ерда зараркунанда ва касалликлар кўпаяди. Шу боисдан тутзорларни боғлардан олисроқда барпо этиш, боғ ўртасидаги 1—2 туп тутни эса бошқа жойга кўчириб ўтказиш керак.

Муддао боғлардан мўл ва сифатли мева олиш экан, зараркунанда ва касалликларга қарши жамики тадбирларни ўз вақтида ўтказиб, дарахтлардан тўлиқ ҳосил олайлик.

Р. СОЛИҲОВ,
Р. Р. Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўсимликларни муҳофаза этиш илмининг мудири, биология фанлари кандидати.

О. ЭШМАТОВ,
Ўрта Осиё ўсимликларни муҳофаза этиш илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати.

Мутахассислар маслаҳати

ХЎЖАСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Халқ контролёрлари «Харезмсовхозводстрой» трести темир-бетон буюмлар заводининг меҳнатчиларини хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш масалалари устида жиддий бош қотиришга мажбур этдилар.

Контролёрлар ўтказган текшириш чоғида бу ерда ишлатилаётган ва ҳали ишга яроқли ёғоч-тахтанинг бир қисми ташлаб юборилаётганлиги аниқланди. Баъзи бригадалар цемент ва металлдан омилкорлик билан фойдаланмаётганлиги маълум бўлди. Бултур тайёрланган неча юз куб метр темир-бетон конструкциялар яроқсиз бўлиб чиқди. Натижада моддий бойликлардан ташқари, анча иш вақти бекорга кетган.

Контролёрларнинг талабларига мувофиқ, завод директори Ш. Бойжонов материаллар ҳисобини ва сақланишини тузук назорат этмаганлиги, темир-бетон ишлаб чиқариш технологиясини бузганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди. Корхонада халқ контролёрлари иштирокида металл сарфи нормалари қайтадан кўриб чиқилди, бинокорлик материалларидан оқилона фойдаланганлик учун рағбатлантириш системаси тартибга солинди.

Тежамкорлик шахсий ҳисобларини очган илғор бригадалар тежаш режимини кучайтириш учун курашга қўшилди.

Тошкент марказий вокзалида очилган кўргазма Ўрта Осиё темир йўлининг бир асрлик тарихига бағишланган. Бу ерга қўйилган экспонатлар томошабинлар эътиборини жалб этмоқда. Меҳнат ветеранлари кўргазмани зиёрат этишни биринчи бўлиб бошлаб бердилар.

СУРАТДА: кўргазмада.

Р. НУРИДДИНОВ фотоси (ЎзТАГ).

Ташвишли сигнал

СУТНИ СОВУТИШГА СОВУҚ МУНОСАБАТ

Эндиликда Гулистон районидаги Фрунзе номли колхоздан область марказидаги сут заводига фақат юқори сифатли сут келтирилмоқда. Бунинг устига уни етказиб бериш илгаригидан анча арзонга тушмоқда. Сут марказлаштирилган тартибда ташиб кетилаётганлиги туфайли шунга эришилди.

Узоқов номли, «Шолиқор», «СССР 50 йиллиги», «Боёвут» совхозлари ҳамда бундан бир неча йил илгариёқ қайта ишлаш корхоналари билан бирлашиш йўлига ўтган Мирзачўлдаги бошқа бир қанча хўжаликлар фермаларининг ходимлари маҳсулот тайёрлаш янги системасининг нафини тўла-тўкис баҳоладилар. Бу нарса заводларга ҳам наф келтирмоқда — маҳсулот сифати яхшиланмоқда.

Бироқ янги система областда яхши жорий этилди, деб айтишга ҳали вақт эрта. Бунинг устига аҳвол ҳатто ёмонлаша бошлади. Ўтган йили сутни марказлаштирилган тарзда ташиб келтириш топшириғининг ярми бажарилди, шу ҳолнинг ўзиёқ ташвишлидир. Бу йил эса аҳвол бундан ҳам баттар — топшириқнинг атиги учдан бир қисми аранг бажарилаяпти.

Бунинг сабаби равшан — фақат совутилган сутгина марказлаштирилган тартибда ташиб келиниши керак. Аммо хўжаликлардаги 38 та совутиш қурилмасининг ярмидан кўпроғи ишламаяпти. Масалан, Гулистон районининг кўпгина хўжаликларида совутиш қурилмалари бўлишига қарамай, юқорида айтиб ўтилган Фрунзе номли колхозданга сут жўнатилиши олдидан совутилмоқда. Комсомол ва Меҳнатобод районларининг хўжаликларига бу илғор усул ҳали умуман етиб келгани йўқ.

Баъзи нарсалар: насослар, автоцистерналар, сут сақланадиган идишлар, ювиш учун қайноқ сув тайёрланадиган қурилмалар етишмаётгани ҳам янгиликнинг жорий этилишига ҳалақит қилмоқда. Энг асосийси эса хўжаликлар ва РАПО техника хизматлари замонавий ускуналари бўлган сут блокларига, айниқса, совутиш қурилмаларига хизмат қилувчи малакали кадрларга эга эмас.

Афсуски, область агросаноат комитетининг мутахассислари шу фактларни қайд этишдан нарига ўтмай, айбни РАПОга ағдармоқдалар. РАПОдагилар эса ўз навбатида область агросаноат комитетини кўрсатмоқдалар. Улар ўртасидаги баҳс давом этмоқда, иш эса жойидан силжимаяпти.

Эҳтимол, область идораси мутахассислар тайёрлашни ташкил қилиб, таъминот масалаларини чаққонлик билан ҳал этадиган пайт келгандир. Баҳсни тўхтатиб, иш билан шуғулланиш вақти етди.

Г. ОГОРОДОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Москвада СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси олдидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети доимий комиссияларининг мажлислари ўтмоқда.

20 май куни қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссиялари билан уй-жой-коммунал ва шаҳар хўжалиги комиссияларининг қўшма мажлисида совет ва хўжалик органларининг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида уй-жой ва маданий-маиший қурилиш программасини бажаришни таъминлаш борасидаги ишини таҳлил этдилар.

Депутатлар сессияда муҳокама қилинадиган ана шу масалани тайёрлашда жойлардаги ишларнинг аҳволи билан танишдилар, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг, айрим депутатлар, бир қанча министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотларининг материаллари ва таклифларини диққат билан кўриб чиқдилар.

СССР Олий Совети палаталарининг доимий комиссияларида

СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ю. П. Баталин ҳамда депутатлар қўшма тайёргарлик комиссиясининг раҳбари В. В. Бакатин ахборотларида кейинги вақтларда халқ депутатлари Советлари социал соҳа ривожланишига раҳбарлик қилиш борасида ўз ваколатларини активроқ ва тўлароқ амалга ошира бошлаганликлари таъкидланди. Кўпгина иттифоқдош республикаларда бу масалалар Олий Советларнинг сессияларида кўриб чиқилди. Бошқариш органларининг бу масалага эътибори анча ошди. Совет ва хўжалик органлари кўраётган чора-тадбирлар, меҳнат коллективлари активлигининг ошиши уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилишида яхшилик сари муайян силжиш бўлишини таъминлади.

Шу билан бирга мажлисда таъкидлаб ўтилдики, социал соҳани ривожлантириш суръатлари 2000-йилгача ҳар бир совет оиласини алоҳида квартира ёки якка уй билан таъминлаш, шунингдек социал-маданий соҳа ва коммунал хўжалик моддий базасини комплекс ривожлантириш борасида КПСС XXVII съезди қўйган вазифаларга ҳозирча мувофиқ келмаяпти. 1988 йилда ҳам уй-жойлар ва социал-маданий-маиший объектлар қурилиши маромни бузилмоқда, бу эса шу объектларни ўз вақтида ишга туширишнинг топшириқларининг бажарилишига ҳамда қурилиш сифатига салбий таъсир этмоқда.

Уй-жой қуриш асосий ҳажмлари узоқ вақтгача давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилди, якка тартибдаги ва кооператив қурилишни ривожлантиришга эса етарли эътибор берилмади. Оммавий уй-жой ва социал-маданий қурилишда бинолар, иншоотлар ва улар комплексларининг меъморий-бадиий даражаси пастдир. Катта-катта камчиликлар бўлган, бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати паст объектлар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиб олишдек яроқсиз практика давом этмоқда.

Комиссиялар бўлиб ўтган муҳокамаларни ҳисобга олиб, СССР Олий Советига кўриб чиқиш учун топшириладиган материалларни маъқуллардилар.

* * *

Айни шу куни қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

СССР Олий суди иши билан танишиш натижалари тўғрисида ҳамда СССР Олий Совети IX сессиясида СССР Олий судининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юзасидан комиссияларнинг қўшимча доклади ҳақида депутатлар кичик комиссиясининг раҳбари И. С. Густов доклади тингланди.

СССР Агросаноат давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари А. И. Иевлев ҳамда депутатлар кичик комиссиясининг раҳбари Н. А. Митькин, СССР Агросаноат давлат комитетида идора норматив актларини «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқ ҳолга келтириш борасидаги ишларнинг бориши тўғрисида ахборотлар бердилар.

Комиссиялар бундан ташқари «Чечен-Ингушия АССРда меҳнатсиз даромадлар олишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги СССР Олий Совети Президиуми фармонини амалда қўлланиш ҳақида» комиссиялар 1987 йилнинг 20 апрелида қабул қилган қарор қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқиб, маълумот учун қабул қилдилар.

* * *

Комиссиялар мажлисларида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари П. Н. Демичев, СССР бир қанча министрликлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

(ТАСС).

Оқшом файзи

Дам олиш саҳифаси

ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

КАТТА ХОНАДОН

Зиёда опа уйғонганида тонг оқара бошлаган, тоғли Боғонали қишлоғининг кўпгина хонадонлари ҳали осуда уйқуда эди. Кеча режалаштирган юмушлари эсига тушди-ю апил-тапил кийиниб, ташқарига чиқди. Баҳор ҳавоси дилига ҳузур бағишлади. Муздек сувда қўлини ювиб артингач, руҳи анча енгил тортди. Болалари ётган хонага оҳиста кириб, Моҳира ва Комилани уйғотди:

— Тура қолинглар, вақтлироқ нон ёпиб олайлик, Комила, сен сигирга бор.

У қанчалик секин гапирмасин, болаларнинг ҳаммаси бирин-кетин уйғонишди. Бир зумда уй ичи «бозор»га айланди. Опа ошхонага кирди, супра ёзиб, ун элашга тутинди. Кўп ўтмай қизи Моҳира келиб, қўлидаги ишини олди...

Зиёда Қозоқова — серфарзанд она. У Жиззах область Фориш районидаги Карл Маркс номли совхознинг Боғонали қишлоғида истиқомат қилади. Бу хонадонда 11 ўғил ва 5 қиз бор.

Опа икки келин тушириб, бир қизини чиқарган. Тўғрич фарзанди Ҳайрулла Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини битиргач, йигитлик бурчини ўтади. Акрам, Фахриддин, Акбар ва Музаффар Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхозда ишлашаяпти. Акрам Жиззахдаги индустриал техникумни тамомлаган, маккажўхоричилик бригадаси етакчиси. Фахриддин, Акбар, Музаффар ҳунар-техника билим юртида ўқиб, механизаторлик касбини эгаллашган. Улар ҳам Акрам бошлиқ бригадада меҳнат қилишаяпти. Барчаси эл ишига жонкуяр.

Байрам баҳона опанинг бағри тўлиб қолди. Ўғил-қизлари, келин ва набиралари жамулжам бўлишди. Фақат Анваржони йўқ. У Совет Армияси сафида йигитлик бурчини ўтаяпти...

Бу хонадонда кўп бўлганман. Оиладаги тотувлик, ўзаро ҳурмат, Зиёда опа ва Шаҳарбой аканинг болажонлиги таҳсинга лойиқ. Кичиклар катталарга ҳурмат-иззат кўрсатишади. Ҳар бир фарзанд оила манфаати учун кучи етадиган ишни бажаришга ўрганган.

Оила бошлиғи Шаҳарбой Қозоқбоев — бухгалтер. Севган касбини чорак асрдан бери шарафлаб келяпти. Тадбиркор коммунист ҳисоб-китобни пухта билади. Оғир табиатли, тиниб-тинчимас бу кишини ҳамма ҳурмат қилади.

Хонадон аъзолари ҳар йили ипак қурти боқадилар. Ҳар қутидан давлатга 60—75 килограмм пилла топширишади. Мева, сабзавотни шахсий хўжаликларида етиштиришади. Гўшт-ёғ сарфида эса чорвалари жонга аро киради.

— Фарзандлар тарбияси масъулиятли ва мураккаб, — дейди Зиёда опа. — Баъзан мендан: «16 та болани боқишга қандай улгурасиз?» — дея сўрашади. Халқимизда «Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса, қилиғи» деган гап бор. Ҳар бир боланинг феъл-атворига қараб иш кўраман. Тарбияда меҳнатнинг роли катта. Болалик ёшидан кучи етадиган ишга жалб қилиб борилса, у зарарли одатларга, бекорчиликка берилмайди. Бу ишда отанинг ўз ўрни ва таъсири бор.

Она қалби — дарё, деб шунга айтадилар-да. У рўй берган воқеа ва ҳодисалар устида мулоҳаза қилади, болани меҳр-оқибатли бўлиб ўсишга ўргатади.

Зиёда опа қўли гул аёл. Пазандаликда, чеварликда тилга тушганларнинг бири. Шу боис қизлари ҳам унинг ўзи каби зеҳнли чиқишди. Ҳаммаси ана шу касбларни пухта ўрганиб олишди. Айниқса каштачиликдаги маҳоратларига қойил қоласиз. Бунинг сабаби Зиёда опа қизлари тарбиясига алоҳида эътибор берганлигида. Раъно, Моҳира, Комилага ёшлигидан бошлаб пазандалик, рўзғор тутишни ўргатди, кичиклари Гулчеҳра, Марямга ҳам шундай йўл тутмоқда.

Ҳа, Зиёда опа ва Шаҳарбой ака Қозоқовларнинг катта хонадонига ҳавас қилса арзийди. Оила аъзолари ота-оналари каби меҳнатсевар, жонкуяр, эл-юрт иши учун садоқатли бўлиб камол топаяптилар.

С. ТУРСУНМУРОДОВ.

ҚАЙНОНА-КЕЛИН КЛУБИ

Калинин қишлоқ Совети қошида (Тошкент район) фаолият кўрсатаётган «Нафосат» қайн-она-келин клубининг навбатдаги учрашувида сўзга чиққан илғор ишчи Т. Имомалиева, пиллакор М. Носирова оила ҳаёти, унинг қувонч ва ташвишлари ҳақида гапирдилар. Шунингдек район партия комитетининг секретари Ҳ. Сайдалиева, шарқшунослик институтининг бир гуруҳ олимлари хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Учрашув сўнггида С. М. Киров номли 9-ўрта мактаб ўқувчилари З. Мусаева, Р. Охунжонов, М. Йўлдошева, М. Қосимова ва А. Юсуфохунова «Ажралиш», «Холис қўшнилар», «Тугун» кичик саҳна асарларидан кўринишлар ижро этишди.

Д. КАЛОНОВ.

БИЛАСИЗМИ?

1881 йилда Татаристондан Туркистонга келган Шаҳангарей Биккўлов, Габдуллатиф Яушев ва Бурунғали Бектемиров янги босмахоналар очиб, ҳарф теришни йўлга қўйганлар. Бу биринчи ўзбек матбаачилигининг бошланиши эди. Ш. Биккўлов инқилобдан кейин ҳам бу соҳада ишлаган. 1918 йилда унга «Меҳнат қаҳрамони» унвони берилган.

* * *

Биринчи ўзбекча маълумотнома (календарь) Шоймардон Каримов томонидан 1871 йилда ишлаб чиқилган.

* * *

Муқанна тарафдорлари орасида араб босқинчиларига қарши курашган қўзғолончилар сафида Юсуф-ар-Барм исмли исломга ашаддий қарши чиққан халқ ҳаракати бошлиғи ҳам бор эди. Тарихчи Еқубийнинг таъкидлашича, унинг лашкарлари араб босқинчиларига қарши қизил туғ қўтариб жангга кирганлар. Академик А. С. Якубовскийнинг фикрига кўра, бу жаҳон тарихида қизил байроқнинг халқ қўзғолони рамзи сифатида биринчи марта қўлланиши эди.

* * *

Муҳаммадшариф Каримов биринчи ўзбек ҳарф терувчиси эди. У 1870 йил 28 апрелда «Туркестанская ведомость» газетасига «Илова»ўлиб чиққан ўзбек тилидаги газета материалларини теришда қатнашган. Бунгача у Қозон университети босмахонасида ҳарф терувчи бўлганди. 1871 йилда «Илова»ни босишдаги хизматлари учун Россия ҳукуматининг мукофотини олган.

* * *

1907 йилда биринчи бор том маънодаги ўзбек матбааси — Ғуломҳасан Орифжонов литографияси очилди.

ДАЛАЛАР МАФТУНИ

Чаршил

Карим Маллаев 1939 йилда Сурхондарё областининг Шеробод районидаги Истара қишлоғида туғилган. Ўнинчи синфни тугатган. 1963 йилдан буён КПСС аъзоси. Пахтачилик, маккажўхоричилик, бедачилик бригадаларига бошлиқ бўлиб ишлаган. Болалик ва ёшлик йиллари Шеробод райони адирқирларида, Истара чўлларида улоқ-қўзи боқиш билан ўтган. Ёшлик даврида шеърлар ёзишни машқ қилиб юрарди. Асосан 1955 йилдан бери ижод билан шуғулланади. Шеърлари район, область, республика газеталарида босилиб туради. «Ёшлик» альманахига, «Олтин беланчак» тўпламига киритилган.

Ҳозирги кунда Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номли совхознинг 4-алмашлаб экиш участкасида оддий ишчи бўлиб ишлайди. У далалар мафтуни.

ЧЎЛЛАРСИЗ

Меҳнаткашни тўйдириб
Қийнитирган чўлларсиз,
Қалбни завққа тўлдириб,
Суюнтирган чўлларсиз.
Душманларнинг бағрини
Куюнтирган чўлларсиз.
Неча йиллар бенаво
Қуюн турган чўлларсиз.
Хону беклар даврида
Хор бўп ётган чўлларсиз.
Ташналиқдан сувларга
Зор бўп ётган чўлларсиз.
Жами йиртқич ҳайвонлар
Бор бўп ётган чўлларсиз,
Ўтиб кетган замонда
Кўр бўп ётган чўлларсиз.
Партиямиз раҳнамо,
Чўлга ҳужум бошландк,
Макон тутган йиртқичлар
Чўллардан киш-кишланди.

Техникалар гуруллаб,
Ерлар яхши ишланди.
Шу кунларда тупроғи,
Зўр бўп ётган чўлларсиз.
Ҳар томондан одамлар
Келаверди чўлга деб,
Бахти порлоқ бўлади
Эл қўшилса элга деб,
Жўшиб меҳнат қилайлик
Завқ бағишлаб дилга деб,
Чин инсонлар туфайли
Ҳур бўп ётган чўлларсиз.
Дарёлар жилоланиб,
Инсон изида қолди,
Истарам чаман бўлиб,
Чўл номлари йўқолди.
Йигит зўри ер очар,
Бу ҳикматли мақолдир,
Инсон заковатидан
Зўр бўп ётган чўлларсиз.

Жаннат каби шаҳарлар
Чўл бағридан жой олди,
Жамолингдан завқланиб
Булбуллар ҳам куй олди.
Бугун энди бу жойлар
Утмишдан уялди,
Оқ олтин хирмонлари
Тоғ бўп ётган чўлларсиз.
Юлдузли қаҳрамонлар
Шу чўлларда етишган,
Меҳнатга меҳрибонлар
Шу чўлларда етишган.
Доврўғи зўр достонлар
Шу чўлларда етишган,
Ҳар заррасн олтиндай
Бўлиб ётган чўлларсиз.
Шунчалар маъмурчилик
Ҳукумат тарафидан,
Чўлнинг чаман бўлиши
Яхшилар шарафидан.
Шукроналар қиламан
Коммунистлар сафида;
Карим шоир кўзига
Нур бўп ётган чўлларсиз.

УНУТАР

Синалмаган киши билан дўст бўлсанг,
Сирларинг айтишиб ўйнасанг-кулсанг,
Ишларинг ўнг келмай қоҳо қоқилсанг,
Дўстлигингдан кечар, юзинг унутар.
Шерик бўлиб юрган билан ошнигга,
Ногаонда савдо тушса бошнигга,
Яқинлашмас ёнбошнигга, қошнигга,
Сени билмас, берган тузни унутар.
Бир ҳожат буюрсанг дўст номин тутиб,
Хўп деб, алдаб кетар имонин ютиб,
Изидан гапирар сени чангитиб,
Панду насиҳатинг, сўзинг унутар.
Кўп дўстлардан куйган менинг димоғим,
Упкам тўлар шуни ўйлаган чоғим.
Иғвогарлик қилган яқин-ўртоғим,
Нафси учун билинг, ўзин унутар.
Дўстлар бордир нифоқ солар орага,
Сизни чиқаради кўнгли қорага.
Туз сепмоқчи бўлар қайта ярага,
Меҳр қўйиб боққан кўзинг унутар.
Карим, ишонмагин орсиз дўстларга,
Ўзингни тенг қилма эси пастларга,
Кўнглингни бермагил ҳар нокасларга,
Бирга даврон сурган кезинг унутар.

Карим МАЛЛАЕВ.

КУНЛАРДАН БИР КУН

УРИНЛИ ТАВСИЯ

Австриянинг «Винер тагеблатт» газетаси 1906 йил 6 ноябрда ўзининг Петербургдаги мухбири хабарини босиб чиқарди. Унда ёзилишича, Киевда инқилобчилар билан алоқа қилишда шубҳаланган маҳаллий кучли шахматчилардан бири Дуз-Хотимирский уйини тинтувдан ўтказган жандармчилар шахмат партиялари қайд этилган беш юзта қоғозни мусодара қилдилар. Уларни махфий ёзувлар деб ўйлаган полиция раҳбарлари шахматчининг ватандошлари ёнида чет эллик ҳарифларининг исми-шарифларини кўрганларида вахимага тушиб қолишди.

«Винер тагеблатт» хабар сўнггида рус жандармчиларига келгусида бундай ҳолга тушиб қолмаслик учун ўзларида... шахмат секцияси очишни тавсия этди.

ҲАМ МАСХАРАБОЗ, ҲАМ ФИЛ

Шахмат XVIII аср охирида Янги Францияда ҳам (Канада ерларининг бир қисми шундай деб аталарди) оммавийлаша бошлади. Монреаллик шоир ва журналист жаноб Местье бу ўйин сюжетларидан фойдаланиб, Людовик XVI ва унинг рафиқаси Мария Антуанетт аслзодалар устидан кулди. Қиролнинг икки томонида туриб, атрофда рўй бераётган воқеаларни ундан яширмоқчи бўлган «икки масхарабоз» (французча «фу» сўзи ҳам мазахчи, ҳам фил маъносини англатади) тасвирланган ана шундай поэмаларидан бири учун у шаҳар ҳокими буйруғи билан турмага қамалди.

РОКИРОВКА ҚИЛИШ ШАРТМИ?

Конигстетднинг 1784 йилда Стокгольмда нашр этилган «Шахмат-ўйинининг қисқача қўлланмаси»да ёзилишича, «Кучлилар ҳеч қачон рокировка қилмайдилар». Аммо орадан бир қанча вақт ўтгач, мазкур қўлланмага «Кучли шахматчилар камдам-кам рокировка қиладилар» деган тузатиш киритилди.

Эндиликда статистик маълумотларга кўра, ўйинчилар малакаси қандай бўлишидан қатъий назар 99 процент ҳолларда шоҳни марказдан йироқлаштириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

ИККИНЧИ ЁШЛИК

1859 йилда таваллуд топган англиялик мастер Жозеф Блэйк ёшлигида умидли шахматчи ҳисобланарди. Лекин кейинчалик қобилиятини йўқотиб, орадан анча муддат ўтгач, 1921 йилда, яъни 62 ёшида яна ўзини кўрсата бошлади. У Мароци, Костич ва бошқа номдор шахматчиларни ортда қолдириб, Уэстонда ўтказилган халқаро мусобақа ғолиби бўлди.

Шундан сўнг Блэйк ўзининг катта қобилиятга эга эканлигини сезиб; «Бритиш Чесс Мэгэзин» журналининг шахмат бўлимига умрининг охирига қадар муҳаррирлик қилди. У 92 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

ГЕРБДА ШАХМАТ ТАСВИРИ

XIII—XIV асрларда Париж ва Лион шаҳарлари гербида шахмат тахтасининг акси тасвирланганди. Мазкур белги ҳақидаги расмий низомда бу ўйин билан машғул бўлиш «одамни кузатувчан ва қатъиятли этиши, оғир вазиятларда ўзини қўлга олишни ўргатиши» таъкидланганди.

ҒАЛАТИ СОЛИҚ

Ўтган аср ўрталарида Лондоннинг Лимингтон районида жойлашган шахмат клубига инглиз кашиши Уильям Темплом (бу фамилия «ибодатхона» деган маънони англатади) бошчилик қиларди. Клуб президенти ниҳоятда қизғанчиқ бўлиб, ўзининг шахмат «ибодатхонаси»га фақат художўй зиёратчиларнигина қўярди. Динсизларга эса қачонки улар оширилган аъзолик бадалларини тўлаганларидагина бу ерга қадам ранжида қилишга рухсат берарди.

СССР спорт мастерлигига номзод Анвар ИНОҚОВ тайёрлаган.

Спорт ахбороти

ҚУЛ ТУПИ

Черкассида биринчи лиганинг кучли олти коллективи ўртасида финал мусобақаси бўлиб ўтди. Улар олий лигага бериладиган ягона йўлланмани олиш учун курашдилар.

Баҳсларда Ленинграднинг «Планета» командаси муваффақиятли қатнашиб биринчи ўринни эгаллади. Афсуски, кучлилар сафидан ўрин олган «Текстильщик» (Тошкент) коллективининг омади келмади. Ҳамюртларимиз тўртинчи ўринда қолишди.

ВЕЛОПОЙГА

Анъанавий Тинчлик пойгасида ғолиблик учун курашнинг ҳал қилувчи босқичлари бошланди. Ер юзининг турли мамлакатларидан келган кучли велосипедчилар Чехословакия ва Польша ерларини ортда қолдириб, Германия Демократик Республикаси заминига қадам қўйдилар. Бу сафар улар Тинчлик пойгасининг энг узоқ босқичини босиб ўтишди. Польшанинг Легница шаҳридан йўлга чиққан спортчилар мусобақани Дрезденда (ГДР) ниҳоялашди. 190 километрлик масофада марра чизиғига машҳур велопойгачи Олаф Людвиг биринчи бўлиб етиб келди. Унинг ватандоши Уве Рааб билан мамлакатимиз вакили, горькийлик Дмитрий Конишев кейинги икки ўринни банд этишди.

Ўн босқич мусобақаларидан сўнг пешқадамлар ўртасида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Шахсий биринчиликда ГДР спортчиси Уве Амплер, команда ҳисобида эса СССР велосипедчилари карвонбошиликни қўлдан беришмаяпти.

ШАХМАТ

Амстердамда жаҳоннинг тўрт кучли шахматчиси ўртасида ўзига хос мусобақа ўтказилаяпти. Унда жаҳон чемпиони Гарри Каспаров, собиқ тож эгаси Анатолий Карпов, голландиялик Ян Тимман ва унинг ватандоши Д.ван дер Виль қатнашмоқда.

Ҳозир гроссмейстерлар ўзаро олти бор куч синашдилар. Навбатдаги турда Тимман билан дуранг ўйнаган жаҳон чемпиони тўрт очко тўплаб, пешқадамликни сақлаб қолди. Анатолий Карпов эса Д.ван дер Виль устидан ғалаба қозониб, 3,5 очко билан иккинчи ўринга чиқиб олди. Тимман ундан ярим очко орқада бормоқда. Д.ван дер Виль ҳисобида эса бир ярим очко бор.

Швециянинг Хеннинг шаҳрида ўтаётган халқаро мусобақа тугашидан бир тур аввал ғолиб маълум бўлди. Совет гроссмейстери Лев Полугаевский ўн имкониятдан етти ярим очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади. Шуниси эътиборга сазоворки, у кейинги етти учрашувни юксак даражада ўтказиб, ўз ҳисобига олти ярим очко ёзишга эришди.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Спортнинг бу тури йилданйилга оммавийлашиб бормоқда. Тез-тез ўтказилаётган йирик мусобақалар гимнастикачи қизларнинг маҳоратини оширмоқда. Шу кунларда Хельсинкида бўлаётган Европа чемпионати ҳам ана шундай вазифани ўтаяпти. Унда мамлакатимиз гимнастикачилари ҳам қатнашмоқдалар. Совет терма командаси шарафини омсклик С. Бабий, киевлик Э. Хозлу, ставрополлик Л. Савченкова, минсклик И. Струнникова, пензалик Я. Затуливер ҳимоя қилишаяпти. Шуниси қувончлики, улар орасида тошкентлик Е. Холодова ҳам бор.

Одатдагидек биринчи кунги мусобақалардаёқ совет ва болгар гимнастикачилари юксак ўринларга даъвогар эканликлари аён бўлди. Уларнинг ҳар бир чиқиши спорт ишқибозларида катта таассурот қолдирмоқда.

Бир сурат тарихи

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Сиз кўриб турган фотосурат 1963 йил сентябрь ойининг охирида Ўзбекистон телевидениесида олинган.

Ўша пайтда ойнаи жаҳонда «Шоирлар — болаларга» мавзуида туркумли кўрсатувлар бошлаган эдик. Гал Ғафур Ғуломга келган, бу ҳақда шоирни аввал хабардор қилиб қўйгандик. Ғафур ака болалар ва ўсмирлар учун кўрсатувлар редакциясига шоир Ўткир Рашид билан олдинма-кетин кириб келдилар. Азиз меҳмонимизни ҳурматини жойига қўйиб кутиб олдик. Чой тутдик.

— Хўш, — дедилар Ғафур ака, — менинг ижодим ҳақида ким гапиради?

— Ўткир ака тайёргарлик кўрганлар, — дедим.

— Яхши. Қани, ёзганингни ўқи-чи, Ўткир, — деб қўлларига қалам олдилар. — Кўп гапнинг кераги йўқ. Кириш сўзни қисқартириб ташла. «Ҳа» сўзини икки-уч марта такрорлабсан. Буниям ҳожати йўқ. Хўш... Бир вақтлар биз ҳам редакцияда ишлаганмиз...

Ғафур ака сценарийни ихчамлаштириб бердилар. Кейин бошлашиб катта студияга тушдик. У ерда режиссёр кўрсатувга тайёргарлик кўрарди. Ўқувчилар улуғ шоирни қизғин ва шодон кутиб олишди. Ғафур ака болаларни бир-бир қучдилар-да, кейин Саъдулла Аноркуловнинг безагига кўз ташладилар. Тайёргарлик ёқмади... «Мен қаердан кириб келаман?» — дедилар. Режиссёр мана бу ёқдан, деб кўрсатди. Ғафур ака:

— Ие, бунақада камера мени орқадан олиб қўяди-ку, — деб эътироз билдирдилар. Кейин ўзлари кўрсатув безагини ўзгартириб ташладилар.

Болаларга: «Мен уйда телевизор кўриб ўтирган эдим. Қарасам, менинг ҳақимда гапираяпсизлар. Шеърларимдан ўқияпсизлар. Уйда ўтиролмадим, чопиб олдингларга келавердим», —деб кўрсатувни жонлантириб юбордилар.

Кўрсатувдан кейин эсдалик учун суратга тушдик. Ғафур ака биз билан хайрлашиб машинага чиқдилар . Бироз юргач, орқага қайтдилар. Кўрсатувда иштирок этган болаларни чақирдилар:

— Қани, ҳамманг машинага чиқ. Шофёр бир айлантириб келсин. Катта бўлганингларда Ғафур Ғуломнинг машинасида сайр қилганмиз, деб эслаб юрасизлар, — дедилар.

Ўша болалар ҳозир бола-чақали бўлиб кетишган, Ғафур ака билан бўлган ажойиб учрашувни ҳамон эслаб юришади.

М. НОРМАТОВ.

КОРРЕКТОР ЁН ДАФТАРИДАН

Тортиб узар (тартиббузар)
Секинхўр (текинхўр)
Обод пишлоқ (қишлоқ)
Ҳимматга тушди (қиммат)
Машаққатли кўз (куз)
Автодорбемаза (автодормехбаза)
Шўр йигит (эўр)
Бир паромда ишлайлик (маромда)
Қиш кабинети (тиш)
ЖЭК бўшлиғи (бошлиғи)
Олтин қўй (тўй)
Ўпиш жойи (ўтиш)
Куз врачи (кўз)
Еқимли уй (куй)
Қўшиб ёзиш студияси (қўшиқ)
Химчистка одими (ходими)
Оилада лола тарбияси (бола)

Тўпловчи: Чингиз МАҲСУМОВ.

ҲАЙВОНАТ ҲАҚИДА ЭНГ ЯНГИ МАЛУМОТЛАР